

# MUNDARIJA

## СОДЕРЖАНИЕ

## CONTENT

### БИОЛОГИЯ

**Бекчанов Х.У., Бекчанов М.Х., Аллаберганова Д.Д.** Хоразм вилояти Catocala авлоди тунламларининг ер юзида тарқалиш ареаллари .....2

### ТЕХНИКА

**Рузиев И., Самандаров А., Сапаев Ш., Жуманов М.** Ёишт ишлаб чиқаришда автоматик кесиш жараёнларини такомиллаштириш .....4

### КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**Абдурахимов У.Қ., Болтаев У.С.** Хоразм вилояти тупроқ-иклим шароитида доривор қашқарбеда ўсимлиги етиштириш агротехнологияси.....7

**Кадилов Ш.Ю., Аккужин Д.А., Жуманиязов Ф.Қ., Машарипова Р. Б.** Хўжалик белгилари талабларига мувофиқ мосланувчан янги ғўза навларини яратиш.....10

**Машарипов А.А., Якубова Н.Б.** Турли агротехнологияларнинг чигит унувчанлиги ва кўчат қалинлигига таъсири.....12

### ИҚТИСОД

**Saidmamatov O., Salaev S., Eshchanov B.** Implementing Feed-in tariffs of Renewable Energy in CIS countries .....18

### ТАРИХ

**Абдуллаев Т.П., Эшчанова М.А.** Тадқиқотлар технологияси ва унинг умумтаълим мактабларида ўқитишнинг ахамияти .....23

**Каримов Я.А., Хикметов О.** Хива хонлигининг ҳарбий кучлари ва қуролланиш тартиби .....25

**Жуманиёзова М., Маткаримова С.** Ўзбекистон миллий сиёсатининг гуманистик асослари ва унинг амалдаги натижалари .....27

**Jumaniyozova X.** Hozirgi zamon geosiyosatida axborot omilining o`rni va ahamiyati haqidagi qarashlarning o`ziga xosligi .....30

**Матякубова М., Отамуротова Р.** Бухоро амирлигининг XIX – XX аср боши сиёсий бошқарув тарихи ақс этган манбалар ....33

**Nurullayeva Sh., Ro'zmetov D.** Nodavlat notijorat tashkilotlari vatan ravnaqi, xalq faravonligi yo'lida ..... 37

### ПЕДАГОГИКА

**Юнусова Г.Н.** Фанларни ўқитишда замонавий информацион технологиялар .....41

### ТИББИЁТ

**Маткаримова Д.С., Камилова Ш., Жабборов М.** Основные патогенетические механизмы иммунной тромбоцитопении (ИТП) у допризывников .....44

**Маткаримова Д.С., Каримова М., Машарипова И.** Влияние препарата цинарикс на состояние показателей гемостаза при тромбоцитопении .....47

**Хамидова Г.С.** Молекулярно-генетические аспекты метаболического синдрома .....50

**БИОЛОГИЯ****ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ CATOCALA АВЛОДИ ТУНЛАМЛАРИНИНГ ЕР ЮЗИДА ТАРҚАЛИШ АРЕАЛЛАРИ**

**Биология фанлари номзоди Бекчанов Х.У. – Урганч давлат университети доценти, Аллаберганова Д.Д. - Урганч давлат университети талабаси**

**Аннотация:** мазкур мақолада Хоразм вилояти *Catocala* авлоди тунламларининг ер юзиде тарқалиши ўрганилган.

**Калим сўзлар:** авлод, тунлам, дианауза, агроценоз, популяция, биоценоз, экология, онтогенез, фаза, гумбак, личинка, эмбрион

**Аннотация:** в статье изучено распространение совков рода *Catocala* на земном шаре, в том числе на территории Хорезмского оазиса.

**Ключевые слова:** род, совки, дианауза, агроценоз, популяция, биоценоз, экология, онтогенез, фаза, куколка, личинка, эмбрион

**Annotation:** the distribution of noctuid species *Catocala* on earth and in the territory of Khorezm region was described in the given paper.

**Key words:** kin, noctuid, diapause, agrocoenosis, population, biocoenosis, ecology, ontogenesis, phase, pupa, larva, embryo

**Кириш.** Хоразм вилояти ўзининг бетакрор табиати ҳамда фауна ва флорасига эга. Табиий ва сунъий агроценозлари асосий бойлигимиз ҳисобланади. Айниқса, табиий ландшафтларда учрайдиган ҳашаротлар синфига мансуб (*Insecta*) тунламлар оиласи *Catocala* авлоди тунламлари авлод тариқасида умуман ўрганилмаган. Табиий ва агроценозларда турлар таркиби турли ташқи омиллар таъсирида доимо ижобий ва салбий томонга ўзгариб туриши ҳаммага маълум. Популяцияларда доимо динамик ўзгаришлар кузатилади. Турлар сони ўзгариши ҳам мумкин. Ушбу биоценозлар ва айрим

агроценозлар таркиби улар структураси тўлиқлигича илмий асосда ўрганилмаганлиги махсус илмий изланишлар олиб боришимиз учун асос ҳисобланади.

Юкоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ишнинг асосий мақсади Хоразм вилоятида учрайдиган *Catocala* авлодига мансуб тунламларни тур таркибини аниқлаш, аниқланган турларни биоэкологик хусусияти ва тарқалиш ареалларини ўрганиш.

**Илмий ишнинг асосий вазифалари:** Табиий ва сунъий ландшафтларда учрайдиган *Catocala* авлодига мансуб турларни биогеографиясини аниқлаш.

**Адабиётлар шарҳи.** В.В.Яхонтов ёввойи тунлам, ғўза тунлами, беда тунламини, Е.Н. Иванов ёввойи тунлам, ундов тунламини (1944), Р.О. Олимжонов ва Бронштейнлар Зарафшон водийси тунламларини (1956), А.М. Мўминов ер ости тунламларини (1968, 1981), А.Ш.Ҳамроев карадрини, ғўза тунлами, циркуфлекса тунламини (1967) биологияси ва экологиясини ўрганиш борасида муҳим илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

Шунингдек, С.Н. Алимухамедов, Ш.Т. Хўжаев (1978) Г.Ш. Шомуротов, А.Н. Нуржонов (1987), Ф.Х.Ариповлар ва бошқалар томонидан тунламлар биологияси ўрганилиб, уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган. С.Б.Бекмуротов (1967) ер ости тунламларини Самарқанд вилояти шароитида экологик хусусиятларини ўрганиб чиқди.

**Материал ва иш услуби.** Буларни ушлаш методикаси умумий ҳаммага маълум методлар асосида олиб борилди. Бу методда энтомологик тўрхалтачалар –

матрап (сачоклар), феромон туткичлар, оқ матолар, куртлар учун махсус мосламалар, сохта хўрак – приманкалар ва ёруғлик туткичлари, яъни ЭСЛУ-3 типидagi хашаротларни ушлаш мосламаси, ДРЛ-200, ДРЛ-400 электр чироклари ва бошқа ёруғлик манбаларидан фойдаланилди. Тадқиқотлар асосан Ю.Л.Щёткин методикаси асосида олиб борилди.

Хашаротларни ёруғлик спекторининг кўк-бинафша қисми (тўлқин узунлиги 450 нм) кўпроқ жалб қилиши спекторнинг кизил нури (тўлқин узунлиги 600 нм.дан зиёд) эса камроқ жалб қилиши аниқланган (Мазохин, Поршняков, 1965).

**Илмий ишнинг натижалари.** Ушланган ва тарқалиши аниқланган турларнинг таксономик шарҳи:

**1. C.elocata Esper, 1788 - терак лентасимон тунлами. Ушланган жойи ва вақти:** Урганч тумани Ғойбу қишлоғи, 20.08.2007; Урганч тумани, 12.07.2008; Урганч тумани Чолиш аҳоли яшаш маскани, 12.08.2008.

**Тарқалиши:** Марказий Осиё, Европа, Ғарбий Сибирь, Қозоғистон, Олтой ўлкаси.

**2. C.puerpera Giorna, 1791. Ушланган жойи ва вақти:** Урганч тумани, 05.07.2008, 22.08.2008; Ғойбу, 08.07.2008; Чолиш, 03.08.2008.

**Тарқалиши:** Кичик ва Марказий Осиё, Жанубий Европа, Сибирь, Эрон, Қозоғистон.

**3. C.Lupina Herrich Schaffer, 1851. Ушланган жойи ва вақти:** Урганч тумани Чолиш аҳоли яшаш маскани, 06.07.2008; Урганч тумани Қорамон қишлоғи, 10.07.2008; Урганч тумани Ғойбу қишлоғи 30.07.2008.

**Тарқалиши:** Жанубий Урал, Олтой, Кавказ, Ғарбий Қозоғистон.

**4. C.Optima Staudinger, 1888. Ушланган жойи ва вақти:** Урганч тумани Чолиш аҳоли яшаш маскани, 23.05.2007, 22.07.2007; Урганч тумани Қорамон қишлоғи, 13.06.2008, 19.06.2008;

**Тарқалиши:** Эрон, Марказий Осиё, Ирок.

**5. C. neonympha Esper, 1796. Ушланган жойи ва вақти:** Урганч тумани Ғойбу қишлоғи, 01.07.2008, 13.08.2008; Урганч тумани Қорамон қишлоғи, 25.07.2008, 02.08.2008.

**Тарқалиши:** Марказий Осиё, Жануби-Шарқий Европа, Эрон, Ирок, Кавказorti ўлкалари, Олтой, Афғонистон, Эрон, Ирок, Марказий Осиё.

**6. C.deducta Eversmann, 1843. Ушланган жойи ва вақти:** Урганч тумани Қорамон қишлоғи, 07.08.2008, 26.08.2008, 31.08.2008; Урганч тумани Чолиш аҳоли яшаш маскани, 21.07.2008, 10.08.2008.

**Тарқалиши:** Европа, Жанубий Урал, Жанубий Олтой ўлкаси, Марказий Осиё қумли чўллари.

**7. C.electa Vieveg, 1790. Ушланган жойи ва вақти:** Урганч тумани Қорамон қишлоғи, 04.07.2008, 15.08.2008; Урганч тумани Ғойбу қишлоғи, 13.08.2008, 26.08.2008.

**Тарқалиши:** Марказий ва Жанубий Европа, Британия ороллари, Молдова, Жанубий Сибирь, Корея, Япония.

**8. C. humenaea Den. et . Schiff, 1775. Ушланган жойи ва вақти:** Урганч тумани Ғойбу қишлоғи, 09.06.2008, 22.06.2008; Урганч тумани Чолиш аҳоли яшаш маскани, 12.08.2008, 19.08.2008, 23.08.2008.

**Тарқалиши:** Жануби-Шарқий Европа: Венгрия, Шарқий Австрия, Жанубий Словакия, Молдова, Кичик Осиё, Россия: Қрим, Урал, Олтой.

**9. C. lesbia Christoph, 1887. Ушланган жойи ва вақти:** Урганч тумани Қорамон қишлоғи, 14.06.2008, 21.06.2008; Урганч тумани Ғойбу қишлоғи, 10.08.2008, 21.08.2008.

**Тарқалиши:** Фаластин, Жанубий Эрон, Туркманистон (Ахалтака, Гермаб)

**10. C. Nupta Linnaeus, 1767. Ушланган жойи ва вақти:** Урганч тумани Қорамон қишлоғи, 16.07.2008, 19.07.2008; Урганч тумани Чолиш аҳоли яшаш маскани, 11.08.2008, 18.08.2008.

**Тарқалиши:** Европа: Туркия; Россия: Олтой, Сибирь, Узоқ Шарқ; Кавказ, Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Хитой, Япония

**11. C. orientalis Staudinger, 1877.**  
**Ушланган жойи ва вақти:** Урганч тумани Қорамон қишлоғи, 07.08.2008, 22.08.2008; Урганч тумани Ғойбу қишлоғи, 18.08.2008, 22.08.2008.

**Тарқалиши:** Қозоғистон, Урал, Кичик ва Марказий Осиё, Ғарбий Сибирь Урал бўйи.

#### Адабиётлар.

1. Гофман Э., Холодковский Н.А. Атлас бабочек Европы. С.Петербург. Изд. А.Ф. Дефриена. 1893. - с.114-224.
2. Даричева М.А. К биологии некоторых чешуекрылых вредящих растительности низовий Мургаба. Ашхабад, 1963. - с.59-66.
3. Давлетшина А.Г., Аванесова Г.А., Мансуров А.К. Энтомофауна Юго-западного Кызылкума. Т., 1979. - с.128.
4. Сухарева И.Л. К фауне совков (Lepidoptera, Noctuidae) пустыни Кызылкум. Тр. ВЭО. 1972. - т. 55. - с.55-65.

### ТЕХНИКА

#### ҒИШТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА АВТОМАТИК КЕСИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Техника фанлари номзоди Рузиев И.С. - Урганч давлат университети ўқитувчиси, Самандаров А.И., Сапаев Ш.Ш., Жуманов М.М. – Урганч давлат университети талабалари

**Аннотация:** мақолада *ғишт ишлаб чиқаришда автоматик кесиш жараёнларини такомиллаштириш* ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** *ғишт, кесувчи элемент, рычаг, барабан, копир, копир профили, кесиш бурчаги, барабан радиуси, кесиш аниқлиги*

**Аннотация:** в статье приведена информация о совершенствовании процесса автоматической резки при производстве кирпича.

**Ключевые слова:** *кирпич, режущий элемент, рычаг, барабан, копир, профиль копира, угол реза, радиус барабана, точность резки*

**Annotation:** in this article information was given about the improvement of processes of automatic cutting in brick production.

**Key words:** *brick, cutting element, lever, drum, guide block, guide block profile, angle of cutting, radius of a drum, cutting accuracy*

Республикамизда саноат ва уй-жой қурилишининг кун сайин ўсиб бориши қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни янада оширмақда. Қурилиш ашёларини ишлаб чиқариш саноатининг энг муҳим вазифаларидан бири бу маҳаллий хом-ашёлардан кенг фойдаланиш, улардан буюм ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уларнинг сифатини орттириш ва қурилмаларнинг таннархини камайтириш, шунингдек, эскириб қолган машина ускуналарини замонавий технологияларга алмаштиришдир.

Ҳозирги кунда қурилиш материаллари ишлаб чиқариладиган корхоналарда катта миқдордаги асосий технологик ва ёрдамчи қурилмалар ишлатилиб келмоқда. Бу қурилмаларни автоматлаштириш, узлуксиз, яримузлукли ва даврий тарзда ишлайдиган аппаратлар сонини кўпайтириш, уларни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишидир.

Ғишт ишлаб чиқариш тизимларида иш унумдорлигини ва маҳсулот сифатини пасайтирувчи жараёнлардан бири - ғиштни кесиш бўлимидир. Мавжуд ғишт кесиш автоматларининг ишончилиги ва кесиш сифати етарли даражада бўлмаганлиги тизим тўхталишларига ҳамда маҳсулотнинг яроқсизлик фойзини ошишига олиб келмоқда.

Оддий лой ғишт паралелепипед шаклида ўлчамлари  $250 \times 120 \times 65$  ёки  $250 \times 120 \times 88$  мм бўлиши керак. Лекин ҳозирда ишлатилаётган ғишт ишлаб чиқариш линияларида бу аниқ ўлчамда ғишт ишлаб чиқариш қийинлиги сабабли Давлат стандартларига мувофиқ ғиштнинг ўлчамлари қуйидагича ўзгариш билан ишланади: узунлиги  $\pm 3-2$  мм, эни  $\pm 2$ , баландлиги  $\pm 1$  ммга фарқ қилади.

Қурилиш материаллари корхоналарида ғишт ишлаб чиқариш учун кўндаланг кесими тўғри тўртбурчак бўлган узлуксиз пластик брус шаклидаги хом-ашёдан фойдаланилади. Кесиш жараёнида узлуксиз пластик брус (ғишт) шнекпресс ёрдамида шакллантирилиб, кесиш зонасига узатилади.

Узлуксиз пластик брусдан бўлакланган ғишт маҳсулоти олишда бруснинг узлуксиз ҳаракати давомида кесиш жараёнини амалга ошириш ва кесилаётган бўлак ўлчамини таъминлаш муаммолари келиб чиқади. Бунда кесувчи орган билан пластик брусни синхрон ҳаракатланишини таъминлаш ёки бу жараёнларни дискретлаш талаб қилинади.

Кесиш қурилмаларида юқоридаги иккала принципдан ҳам фойдаланиш ҳолатлари маълум. Айрим қурилмаларда дискретлаш усули қўлланилади, бунда маълум узунликдаги брус ҳаракат зонасидан олиниб, кейинчалик тинч ҳолатда керакли ўлчамли бўлақларга кесилади. Лекин иш жараёнини дискретлаш оқибатида кўп миқдорда юритмалар ёки мураккаб узатиш системалари зарурияти пайдо бўлади. Бу эса автомат ўлчамларининг

катталашишига ва конструкциянинг мураккаблашишига олиб келади.

Бошқа қурилмаларда эса кесувчи элемент билан узлуксиз пластик брус ҳаракатларини синхронлаштириш усулидан фойдаланилади. Бунда синхронлаштиришни таъминлаш сигнали пластик брус сирти орқали узатилади. Бу қурилмаларда пластик брусдан олинадиган ҳаракат тезлиги ҳақидаги сигнал кесиш ишчи органига занжирли, фрикцион, тишли ва бошқа узатмалардан иборат кинематик занжир орқали узатилади. Натижада ҳар бир узатмадаги хатолик билан кесилаётган бўлак узунлигидаги, кесиш юзасининг перпендикулярлигидаги ва текислигидаги хатоликларга олиб келади.

Тадқиқотлар натижасида узлуксиз пластик шаклда узатилаётган ғишт брусини кесиш аниқлигини таъминлаш мақсадида янги принципиал жиҳатдан ғишт кесиш қурилмасини лойиҳалаш зарурлиги аниқланди ҳамда ҳозирги кунда Урганч давлат университети олимлари ва иқтидорли талабалари янги принципиал жиҳатдан янги ғишт кесиш қурилмасини лойиҳалаш учун тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.


Таклиф қилинаётган қурилма текис пичоқли ричаглар маҳкамланган 2 та барабандан иборат. Барабан ҳаракати ричагларга шарнирли маҳкамланган текис пичоқлар орқали ғишт пластик буси ҳаракати билан синхрон равишда амалга оширилади.

Бундай қурилмаларни лойиҳалашда асосий вазифалардан бири қурилма копири профилини аниқлашдир (1-расм).

Кесиш қурилмасининг иш жараёнида пичоқ ва брус ҳаракатлари синхронлигини таъминлаш учун ричаглар ўз роликлари орқали қурилма копирига доимий таянган ҳолатда бўлиши керак.

Кесиш қурилмасининг копири профилини аналитик ва графоаналитик усулда аниқлаш мумкин, бунда копирининг таянч нуқталарининг координаталарини ҳисоблаш алгоритмлари ва таклиф қилинаётган узлуксиз

пластик брусни кесувчи роторли курилмаларнинг асосий параметрларини лойиҳалаш усулларини ишлаб чиқиш зарур. Копир профилини аналитик ва графоаналитик усулда куриш усуллари ишлаб чиқилса, уни РБ (рақамли бошқарув) дастгоҳларида, шунингдек, корхоналар механик цехларида кўпинча ишлатиладиган универсал металл кесиш дастгоҳларида ишлов бериш мумкин.



1-расм. Кесиш курилмаси копирини ҳисоблаш схемаси

Ўтказилган назарий тадқиқотлар натижасида, ғишт брусини тўлик автоматик кесиш жараёни давомида ричагларни раван ҳаракатланишини таъминловчи копирнинг умумий профилини куриш ҳамда унда кечадиган кинематик ва динамик қонуниятларни тадқиқ қилиш зарурлиги аниқланди.

#### Адабиётлар:

1. Вигандт А.Г. Кинематика многострунного автомата непрерывного действия для резки глиняного бруса // Труды ВНИИ строммаша. - Гатчина, 1970. - № 10. – С. 90-110.2. Вигандт А.Г. Рабиль М.А. Терво Н.Б. Выбор оптимальных параметров шарнирного четырехзвенного механизма автомата резки глиняного бруса. // Труды ВНИИ строммаша. - Гатчина, 1976. - № 16. – С. 14-21.
3. Патент РУз №02377. Устройство для резки непрерывного пластичного бруса / Сабиров Б.А., Рузиев И.С. // Патентное ведомство РУз. - 2003.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ**

УДК 633.1: 615.32:582.738

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ – ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ДОРИВОР ҚАШҚАРБЕДА ЎСИМЛИГИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ****Абдурахимов У.Қ., Болтаев У.С.- Хоразм Маъмун академияси илмий ходимлари**

**Аннотация:** ушбу мақолада доривор қашқарбеданинг биологияси, тарқалиши, кимёвий таркиби, ишлатилиши ва Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқ-иқлим шароитларида етиштириш агротехнологияси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** тупроқ-иқлим шароити, доривор ўсимликлар, агротехнология

**Аннотация:** в данной статье приведены сведения о биологии, распространении, химическом составе, применении и агротехнологии выращивания донника лекарственного на засоленных почвенно-климатических условиях Хорезмской области.

**Ключевые слова:** почвенно-климатические условия, лекарственные растения, агротехнология

**Annotation:** the article consists of information about biology, distribution, chemical composition, application and cultivation agrotechnology of plaster clover (*Melilotus officinalis*) in soil climatic conditions of Khorezm region.

**Key words:** soil climatic condition, medicinal plants, agrotechnology

Малумки, Хоразм воҳаси қадим замонлардан сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданиятига эга бўлиб, иқлими кескин ўзгарувчан ва ўта беқарор. Воҳанинг барча ерлари турли даражада шўрланган, ёғингарчилик камлиги ва кундуз кунлари ҳаво нисбий намлигининг пастлиги сабабли шифобахш ўсимликларнинг баъзи турларини фақат сунъий суғориш йўли билан етиштириш мумкин. Шу боисдан, Хоразм воҳаси шароитида доривор

ўсимликларни ўстириш, бошқа жойлардан уруғини келтириб шу иқлимга кўниктириш муҳим муаммодир, чунки шўрланган тупроқда ҳар қандай гиёҳ ҳам ўсавермайди. Шўрланган тупроқларда доривор ўсимликларни ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш, ўсимликларни иқлимга мослаштириш, профилактик доривор перепаратлар учун хом-ашё базасини яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шундай ўсимликлардан бири доривор қашқарбедадир.

**Биологияси.** Доривор қашқарбеда (сарикбеда) – *Melilotus Officinalis* Descr. дуккакдошлар – Fabaceae оиласига киради. Икки йиллик, бўйи 50-100 см.га (баъзан 2 м.га) етадиган ўт ўсимлик. Илдизи сершоҳ, ўқ илдиз. Пояси битта ёки бир нечта, қиррали бўлиб, юқори қисми шохланган. Барги уч пластинкали мураккаб барг, пояда банди билан кетмакет ўрнашган. Баргчаси тесқари тухумсимон, тухумсимон ёки чўзиқ ланцетсимон, текис қиррали ёки майда аррасимон қиррали ва туксиз бўлиб, узунлиги 3 см. Баргда ингичка, текис қиррали кўшимча баргчалар бор. Гуллари майда, сариқ, шингилга тўпланган. Гулкочаси ярмисигача учбурчак ланцетсимон шаклдаги 5 бўлакка қирқилган. Гултожиси капалак-гулдошларга хос тузилган. Оталиги 10 та, шундан биттаси бирлашмаган, қолганлари бирлашган. Оналик тугуни бир хонали, юқorigа жойлашган. Меваси – тухумсимон, кўндалангига буришган, кулранг тусли, туксиз, бир уруғли дуккак. Июнь-сентябрь ойларида гуллайди, уруғи эса август ойидан бошлаб етилади.

**Географик тарқалиши.** Йўл ёқаларида, ўтлоқларда, экинзорларда

ўсади. Асосан Украина, Молдова, Болтиқ бўйи давлатлари, Россиянинг Европа қисмида, Ғарбий Сибирда, Кавказда ва Марказий Осиёда учрайди.

#### **Маҳсулотнинг ташқи кўриниши.**

Тайёр маҳсулот майдаланган барг ва гул аралашмаларидан иборат. Маҳсулотнинг ёқимли ҳиди, шўр ва аччиқ мазаси бор. Маҳсулот намлиги 14 %, умумий кули 10%, диаметри 3 мм.дан йўғон бўлган поялар 2 %, тешигининг диаметри 0,5 мм ли элакдан ўтадиган майда бўлақлар 5 %, сарғайган, кўнғир рангли ва қорайган бўлақлар 2 %, органик аралашмалар 1% ва минерал аралашмалар 0,5 % дан кўп бўлмаслиги керак.

**Кимёвий таркиби.** Маҳсулот таркибида 0,4-0,9% гача кумарин, дикумарин (дикумарол), мелилотин, мелилотозид гликозиди, кумар ва мелилот кислоталар ҳамда 0,01 % эфир мойи бўлади. Кумарин ва қисман мелилотин ҳиди маҳсулотга хос ёқимли ҳидни беради.

**Ишлатилиши.** Маҳсулотнинг доривор препаратлари юмшатувчи ва таъсирловчи дори сифатида яраларни даволаш учун (йирингни сўриб олишда) қўлланилади. Дикумарол қонни ивитмайдиган таъсирга эга, у кумаринга нисбатан 1000-5000 марта кучли таъсир қилади. Шунинг учун дикумарол антикоагулянт (қон ивишига қарши таъсир этувчи) препарат сифатида ишлатилади.

**Доривор препаратлар.** Маҳсулотдан тайёрланган малҳам. Маҳсулот юмшатувчи йиғмалар – чойлар таркибига киради. Тиббиётда доривор қашқарбеда билан бир қаторда бўйчан (баланд бўйли) қашқарбеда – *Melilotus altissimus Thuill* (бўйи 1,5 м келадиган икки йиллик ўсимлик бўлиб, Россиянинг Жануби-ғарбий қисмида ва Олтой ўлкасида учрайди) ва хушбўй қашқарбеда — *Melilotus suaveolens Ledeb.* (доривор қашқарбеда ўсган ерларда учрайди) ўсимликлари ҳам ишлатилади.

**Етиштириш агротехникаси.** Ўзбекистонда тарқалган барча тупроқларда ўсаверади. Ўсимлик

курғоқчиликка, совуқка ва шўрланишга жуда чидамли. Қашқарбеда дуккакли ўсимликлар оиласига мансуб бўлганлиги учун тупроқни биологик азот билан бойитади. Шўрланган тупроқларга экилганда сизот сувларини пасайтиради ва шўрланиш даражасини камайтиради. У асал берувчи ўсимлик ҳам ҳисобланади. Ўсимликни экиш учун ерларни кузда 25-28 см. чуқурликда шудгор қилинади ва 50-60 кг. суперфосфат ўғити билан озиклантирилади. Қашқарбедани кузда ёки эрта баҳорда уруғидан кўпайтирилади. Уни ҳар хил ўсимликлардан бўшаган ерларда экиш мумкин. Давлат андазаларига сифати бўйича тўғри келадиган уруғлар экилади. Ерларни бороналаб, мола билан текислаб уруғи эрта баҳорда дон экадиган машинада экилади, гектарига 20-25 кг уруғ сарфланади. Экиш чуқурлиги 2-3 см дан ошмаслиги керак. Кўпинча қашқарбеда қопловчи экинлар билан қўшиб экилади. Унинг ўсув даври 85—140 кун давом этади. Баҳорда экилган ўсимлик 5-6 кунда униб чиқади. Шоналаш даврида тез ўсиб, суткалик ўсиши 3-5 см.га тўғри келади. Эрта баҳорда ўсиши бошланади. Гуллаш даври 14-15 кун давом этади. Меваси етилганда тўкилади. Қашқарбедага минерал азот кўп ишлатилмайди, чунки ўзи азот тўплайди. Шунинг учун кўпроқ фосфорли ва калийли ўғитлар талаб қилинади. Дастлабки ривожланиш даврида унинг фосфорга эҳтиёжи катта. Бу даврда фосфор етарли бўлса, кейинги даврларда ҳам у яхши ривожланади. Калийнинг таъсири фосфорга нисбатан кам бўлади. Шу боис биргаликда қўлланилса яхши натижа беради. Қашқарбеда экилган тупроқларнинг тури, унумдорлиги, механик таркибига қараб вегетация давомида 90-110 кг. фосфор ва 50-60 кг. калий қўллаш тавсия этилади. Бу ўғитлар органик ўғитларга қўшиб ёки бир қисми экишдан олдин ва биринчи ўримдан кейин берилса унинг ривожланиши тезлашади ва ҳосилдорлиги юқори бўлади. Тупроқ таркибида азот етарли бўлмаса, унинг



унумдорлиги паст бўлса, экишдан олдин 40-50 кг. азотли ўғит солиш тавсия қилинади. Қашқарбедани ўсиши ва ривожланишида микро ўғитлардан (молибден, бор ва марганец) ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Микроўғитлар бошқа минерал ўғитларга ва уруғга аралаштирилиб солинади. Қашқарбедани ўғитлаш суғоришдан олдин амалга оширилиши лозим.

**Маҳсулотни тайёрлаш.** Ўсимликни пичан учун шоналаш гуллаш даврида ўрилади. Уруғини иккинчи ўришдан олдин йиғилади. Дуккаги 30 % етилганда йиғишга киришилади. Уларни дон ўрадиган комбайнларда янчиб тозалаб олиш мумкин. Барг ва гуллар ажратиб олинади, пояси ташлаб юборилади. Уруғи 15 % намлиги бўлганда яхши сақланади, бир ўримдан гектаридан 10-12 центнер уруғ тайёрланади. Қашқарбедани вегетация даври давомида 5-6 марта суғориш тавсия этилади.

Доривор қашқарбеда Хоразм вилояти учун янги ўсимликдир. Доривор қашқар беда тажриба далаларига экилиб (март ойининг биринчи декадасида) жорий 2012 йилда ҳам нормал ўсиб ривожланди. Биринчи ўримда ўртача 164 ц/га, иккинчи ўримда ўртача 137 ц/га, учинчи ўримдаўртача 119 ц/га. бўлиб, умумий ҳосилдорлик 420 ц/га. ни ташкил қилди.

Доривор қашқарбеданинг вегетация даври Хоразм шароитида 115-125 кунга тенг бўлди. Доривор қашқарбедани парвариш қилиш беданикига ўхшайди. У кўп намни ва иссиқликни талаб қилади. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, доривор қашқарбеданинг яшил массасида гуллаш-уруғлари пишиш даврида ароматик моддаларнинг кўп бўлиши натижасида унинг озуқа қиймати бироз пасаяди. Шунингдек, доривор қашқарбедани гуллаш даврида сидерат сифатида ҳам ишлатиш мумкин.

Доривор қашқарбеданинг ер устки қисмини дастлабки фитокимёвий

текшириш натижасида, унинг таркибидаги кумаринлар, флавоноидлар, фенолкарбон кислоталар, ошловчи моддалар, алкалоидлар, эфир мойи, каротиноидлар, органик кислоталар, сувда эрийдиган полисахаридлар ва аскорбин кислота мавжудлиги аниқланди. Фармакологик текширувлар натижасида улар орасидаги асосий таъсир этувчи моддалар кумаринлар ва қисман кумарин, кумар кислоталар (фенокарбон кислоталар) эканлиги аниқланди. Шунинг учун бу бирикмаларни чуқурроқ ўрганиш лозим деб топилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, доривор қашқарбеда ўсимлиги Хоразм вилояти учун истиқболли ҳисобланиб, келгусида Хоразм воҳаси тупроқ-иқлим шароитида ундан тайёрланган хом-ашёдан турли хил касалликларни даволашда тиббиётда қўллаш мумкин.

#### Адабиётлар:

1. Собиров Х., Собиров Р. Буйрак тош касаллиги ва уни даволашда ишлатиладиган маҳаллий доривор ўсимликлар // Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган “Хоразм воҳаси ва унинг экологик ҳолати” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Хива, 2004. - 101 б.
2. Ходжиматов К.Х., Априасиди Г.С., Адилова Н. Культура солодки голой – путь к мелиорации засоленных земель // “Ўсимликлар интродукцияси: муаммолари ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Хива, 2003. - 109-110 бетлар
3. Эгамбердиева М, Муллажоновна М., Аллаева М.Ж., Алиев Х.У. Тубулғи баргли бўймодарон ва қашқарбеда ўсимлиги ва унинг экстрактини қон қуюклашиш жараёнига таъсири // Ibn Sino. – Тошкент, 2005. №3-4. - 84-85 б.

УДК633.511:576.3.631.527

## ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ МОСЛАНУВЧАН ЯНГИ ЃЎЗА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ

**Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Кадиров Ш.Ю., Қишлоқ хўжалик фанлари  
номзоди Аккужин Д.А. -Хоразм Маъмун академияси грант раҳбарлари,  
Жуманиязов Ф.Қ., Машарипова Р.Б. - Хоразм Маъмун академияси илмий ходимлари**

**Аннотация:** ушбу мақолада Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитларига мос тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, IV-V тип тола берадиган, ҳар хил экстремал шароитларга мослашаоладиган янги навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** янги ўрта толали навлар, тупроқ-иқлим шароити, селекция, якка танловлар

**Аннотация:** в данной статье приведены сведения о создании и внедрении новых сортов хлопчатника, с IV-V типами волокна, устойчивых к заболеваниям и вредителям, приспособлённых к различным экстремальным условиям Хорезмской области.

**Ключевые слова:** новые средне волокнистые сорта, почвенно-климатические условия, селекция, индотбор

**Annotation:** the article is about invention and introduction of disease-tolerant and pest-resistant, new sorts of cotton that produce the fibers of 4<sup>th</sup>-5<sup>th</sup> types, as well as, adaptation of these sorts to the soil climatic conditions of Khorezm region.

**Key words:** new cotton sorts, soil climatic conditions, selection, individual selection

Маълумки, пахта толасини сотиш бўйича республикаимиз жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Ѓўза уруғчилигини янада яхшилаш ва ғўза навларини худудлар бўйича жойлаштиришда уларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир. Ѓўза навларини янгилашни янада яхшилаш, кўп

майдонларга толасининг сифати жаҳон бозори талабларига тўла жавоб берадиган, эртапишар, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга ҳамда об-ҳавонинг кескин ўзгаришларига, сув тақчиллигига бардошли янги навларни яратиш селекционерларимиз олдида турган муҳим вазифадир.

ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳамда Хоразм Маъмун академияси олимлари ҳамкорлигида яратилган янги “ХУРМА” ғўза нави 2014 йилдан Давлат нав синовиға тақдим этилди. Ушбу нав ўзининг хўжалик қимматли белгилари ва эртапишарлиги жихатидан ҳозирда Хоразм вилоятида экилаётган навлар билан рақобатбардошлиги туфайли уни экишга катта талаб ва эҳтиёж сезилмоқда.

Изланишдан асосий мақсад Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитларига мос тезпишар, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, IV-V тип тола берадиган, ҳар хил экстремал шароитларга мослаша оладиган янги навларни яратиш, Давлат нав синовиға тақдим этиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш учун дастлабки материал олишдан иборатдир.

Тадқиқот ишларини бажариш давомида жорий йилда мақбул муддатларда якка танлов ва оилавий терим асосида 2014 йилда Давлат нав синаш шаҳобчасига биринчи босқичли синов шарти билан Грунт контролга қабул қилинган ғўзанинг янги “ХУРМА” нави тажриба далаларига экилди. Шунингдек, Л-86 кам баргли тизмаси, Л-1606 кўшқатор учун мўлжалланган ва бошқа қимматли хўжалик белгилари билан амалий қизиқиш уйғотувчи тизмалар экилди.

2014 йил 21 сентябрда якка танловлар териб олинди. Биринчи навбатда тракторда сеялка билан экилган ғўзанинг янги “РАХМАД”, “ДАРХАМ”, “ХУРМА” навлари, ҳамда Л – 14 янги тизмалардан 1-629 та якка танлов териб олинди. Тракторда сеялка билан 32 қатор “РАХМАД”, 32 қатор “ДАРХАМ”, 16 қатор “ХУРМА”, 16 қатор янги Л – 14 экилган эди. Селекцион питомникдан ҳам якка танловлар терилди. Селекцион питомник асосан 8 метрли делянкаларга

бўлинган бўлиб, делянкалар орасида 60 см йўлакча қолдирилган. Селекцион питомникдан якка танловлар барча ғўза навларидан 1977 рақамгача териб олинди. Якка танловлар териб олингандан кейин 2014 йил октябрь ойидан бошлаб уларни кўсак оғирликлари, битта ўсимлик пахта ҳосили оғирлиги, 1000 дона чигит оғирлиги, тола узунлиги, тола чиқими таҳлиллари олиб борилди. Тола узунлиги 34-35 мм гача бўлган якка танловлардан 855 тагача намуна ажратиб олинди.

### 1-жадвал

#### Ғўзанинг “ХУРМА” нави қимматли хўжалик белгилари Хоразм – 127 (назорат) навига нисбатан қиёсий солиштириш

Ғўзанинг қимматли хўжалик белгилари	Хоразм -127 нави (назорат)			ўртача	“ХУРМА” нави			ўртача	Хоразм - 127 навга нисбатан “ХУРМА” навининг фарқи
	I	II	III		I	II	III		
Ғўза кўсагининг йириклиги, гр.	5,7	6,3	6,0	6,0	5,8	6,0	6,0	5,9	-0,1
Тола узунлиги, мм.	32,4	33,6	33,2	33,1	35,1	34,4	33,9	34,5	+1,4
Тола чиқиши, %	34,6	35,3	35,1	35,0	35,8	36,0	36,6	36,2	+1,2
Тола индекси, гр.	7,38	6,69	8,12	7,39	8,0	8,3	8,3	8,2	+0,81
1000 дона чигит оғирлиги, гр.	105,8	107,4	114,5	109,2	111	104	114	110	+0,8

Ғўзанинг “ХУРМА” нави бўйича ўтказилган лаборатория таҳлиллари шуни кўрсатадики (1-жадвал), ўрганилаётган нав кўсак оғирлиги бўйича назорат навадан деярлик фарқ кузатилмади, тола узунлиги бўйича эса назорат навга нисбатан анча юқорилиги аниқланади, яъни “ХУРМА” навининг тола узунлиги 34,5 мм, Хоразм -127 навининг узунлиги эса 33,1 мм. га тенг бўлди. (“ХУРМА” навида – 36,2% , “Хоразм-127” навида 35,0 %). Тола индекси бўйича “ХУРМА” нави – 8,2 г., “Хоразм-127” нави 7,39 г.ни ташкил қилди. 1000 дона чигит оғирлиги бўйича эса фарқлар деярли кузатилмади, яъни “ХУРМА” нави – 110 г., “Хоразм-127” нави 109,2 г. ни ташкил қилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ғўзанинг “ХУРМА” нави Хоразм вилояти шароитида етиштириш учун мос бўлиб, ушбу нави синаш ишларини давом қилдириш мақсадида илмий тадқиқотлар натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат нави синаш участкасига тақдим қилинган бўлиб, бир хиллик синов тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

#### Адабиётлар:

1. Аккужин Д., Джуманиязов А., Кадиров Ш. и др. Результаты селекционных работ в Хорезмской академии Маъмуна // Селекция ва уруғчилик бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг муҳим йўналишлари

мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент, 2013 йил, май, 30-31 бет.

2. Аккужин Д.А., Усманов Р.М., Набиев С.М., Кузнецова О.И. Миллиметр қиймати / “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналі. 2013, №9. – 22 б.

3. Эшчанов Р.А., Аккужин Д.А. Реализация генетического потенциала

популяции / AGROILM журналі, 2013. – № 3. – С.10-11.

4. Эшчанов Р.А., Аккужин Д.А. Селекция тадқиқотларида адаптив (мослашувчи) имкониятини амалга ошириш // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. – Хива, 2014. № 1.

## ТУРЛИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЧИГИТ УНУВЧАНЛИГИ ВА КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИГА ТАЪСИРИ

Машарипов А.А. – Урганч давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси,  
Яқубова Н.Б. – УрДУ Тупроқшунослик таълим йўналиши талабаси

**Аннотация:** ушбу мақолада Хоразм воҳаси тупроқ-иқлим шароитида ғўзанинг Хоразм-127 навида қўлланилган турли агротехнологияларнинг чигитнинг унувчанлиги ва кўчат қалинлигига таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** турли агротехнологиялар, ғўзанинг унувчанлиги, кўчат қалинлигига, механик таркиби, тупроқларнинг унумдорлиги

**Аннотация:** в данной статье приведена информация о влиянии применения различных агротехнологических мероприятий на всхожесть и густоту стояния хлопчатника сорта Хорезм-127 в почвенно-климатических условиях Хорезмского оазиса.

**Ключевые слова:** различные агротехнологии, рост хлопчатника, густота стояния ростков, механический состав, плодородие почвы

**Annotation:** this article includes data on influence of different agrotechnologies on germination and density of cotton seed of the sort Khorezm-127 in the soil climatic conditions of Khorezm region.

**Key words:** different agrotechnologies, germinating ability of cotton seed, density, soil fertility

Республикада қишлоқ хўжалигини юксалтириш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, ғўза етиштиришнинг илмий асосланган, такомиллашган агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш ҳамда кам маблағ сарфлаб юқори ва сифатли ҳосил олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирда кузатилаётган иқлим ва об-ҳаво ўзгариши, сув ва ер ресурслари ҳамда бошқа омиллар танқислиги шароитида қўлланиладиган агротехнологияларни ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири, шунингдек, тупроқларнинг унумдорлиги, тупроқ таркибидаги асосий озукани унсурлари (N.P.K) миқдори, уларнинг экинлар ўсиши ва ривожланишига таъсири ҳамда агромелиоратив тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб 2013-2014 йилларда дала тажрибалари Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институтининг Хоразм филиали ҳудудида суғориладиган ўтлоқни аллювиал тупроқлар шароитида ўтказилди. Бундай тупроқлар турли литологик-геоморфологик шароитларда тарқалган бўлса-да, минерологик таркиби деярли бир хил бўлиб, миқдори жиҳатидан ҳайдалма ва ҳайдалма остки ҳамда ундан пастки қатламларига нисбатан фарқланади (Абдуллаев ва бошқалар, 1992).

Тажриба даласининг тупроқ қатлами: ҳайдов қатламининг механик таркиби енгил, ҳайдов остидаги – ўртача қумоқ. Ушбу тупроққа ишлов берилганда унча зичлашмайди, сув ўтказувчанлиги, нам сақлаши ва структураси яхши.

Дала тажрибаларини бошлашдан олдин тупроқнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, дастлабки агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари аниқланди. Унга кўра тупроқдаги гумус миқдори қатламлар чуқурлашиши билан ўзгарган ҳамда ялпи азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдорлари сингари камайиб борган. Тажриба даласининг тупроғи ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан паст ва ўртача таъминланганлиги кузатилди.

Сизот сувлар сатҳи 1.5-2 м чуқурликда жойлашган. Тажриба майдончасида ўтказилган барча агротехник тадбирлар ҳозирги пайтдаги мавжуд илмий тадқиқот институтларининг тавсиялари, асосан “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (Тошкент, 2007) услубий қўлланмаси асосида олиб борилди.

Ўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун турли агротехнологияларнинг чигит унувчанлиги ва кўчат қалинлигига таъсирини ўрганиш борасида дала тажрибалари ўтказилди. Тажриба ишларини ўтказиш учун майдонлар (2012 йил) танлаб олиниб, кузги шудгор ишлари олиб борилди. Шудгор остига фосфорли ва калийли минерал ўғитлар қўлланилди (шудгор остига фосфорли ўғитнинг 70 фоизи, калийли ўғитнинг 50 фоизи, экишдан олдин фосфор ва калийнинг қолган фоизлари). Минерал ўғитларнинг қолган қисми экиш билан ва вегетация давомида қўлланилди. Суғоришлар чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) га нисбатан 70-75-65 фоиз бўлганда амалга оширилди.

Тажриба тузилмаси бўйича барча вариантлар 1 ярусда рендомицион усулда жойлаштирилди. Дала тажрибалари 4 вариант 4 та такрорланишда, тажриба майдончаларининг ҳар бирининг узунлиги 30 м, кенлиги 7.2 м. Тажриба майдончаларининг умумий майдони 216 м<sup>2</sup>. Тажрибада ўзанинг “Хоразм-127” нави экилиб, экиш схемаси 90x15x1 қилиб белгиланди. Тажриба вариантлари қуйидагича:

### Тажриба схемаси

Вариант	Агротехнология
1	Ерни шудгорлаш, экишга тайёрлаш ва экиш (бошқа агротехнологик тадбирлар ўтказилмайди)
2	Тавсия этилган агротехнология, аммо ўғитсиз
3	Тавсия этилган агротехнология, аммо ўғитлаш бир марта (шоналаш), суғориш икки марта (гуллаш ва мевалаш) ўтказилади
4	Тавсия этилган агротехнология

Тажрибада ўтказилган кузатувлар қуйидаги усуллар ва тартиблар асосида бажарилди. Чигитни экиш ҳар йили (2013-2014) асосан апрел ойида ўтказилди ва экиш санаси қайд қилинди. Чигитлар экилгандан кейин чигитларнинг унувчанлиги ва кўчат қалинлигини қайд қилиб бориш учун ҳар бир делянкага қозиклар қоқиб чиқилди. Қозиклар ҳар бир қайтариқнинг ҳисоб қаторларида 10

м ичкарасида 2 та қаторда (3- ва 6-қаторлар) оралиқ масофалар 11 м.лик, 4 та қаторида (3-, 4-, 5- ва 6-қаторлар) иккитадан қозиклар қоқилди (ҳар бир қаторда қоқилган қозиклар орасида 25 та уя жами 100 та уя). Тўртта қаторнинг ҳар бирига қоқилган иккита қозиклар асосан чигитларнинг унувчанлигини аниқлаш бўйича, 11 метрлик қозиклар эса кўчат қалинлиги аниқлаш учун қоқилган

қозиклар ҳисобланади. Тажриба давомида чигитларнинг унган ва тўлиқ унган саналари қайд қилиб борилди. Ғўза ниҳоллари тўлиқ унгандан кейин, ғўза ниҳоллари 2-3 чинбарг чиқарганда яғана қилинди ва санаси қайд қилинди.

Тажрибада чигит экишдан кейин далаларда ҳосил бўлган қатқалоқни тупроқ етилиши билан “зиг-заг” борона ёрдамида юмшатилади. Бунда бороналар экиш қаторларининг кўндалангига қараб бир йўла юргизилди. Юмшатиш чуқурлиги 4-5 см. 2013 йилда нам тўплаш суви берилганлиги, тўсатдан бўладиган шамоллар, тасодифан ҳавонинг ўта исиб кетиши ва бошқа сабаблар туфайли ерда нам кескин камайиб кетиши, чигитларни ундириб олиш учун мажбуран чигит суви беришга сабаб бўлди. Бундай агротехник тадбирлар 1 вариантдан бошқа вариантларда амалга оширилиб, бажарилган ишлар чигитларни тўлиқ ундириб олишга қаратилди.

Тажриба йиллари чигитлар асосан дала экишга тайёр бўлгандан кейин экилиши сабабли далаларга экилган чигитлар унувчанлиги турли муддатларда ўтказилди. Шунингдек, кузатувлар ҳар иккала йилда ҳам апрел ойининг охири ва май ойининг бошида ўтказилди.

Фенологик кузатувларга кўра 2013 йилда чигитлар асосан апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида амалга оширилган бўлса, 2014 йилда апрел ойининг учинчи ўн кунлигининг бошида ўтказилди. Чигитлар 2013 йилда 10 кунда уна бошлаган бўлса, 2014 йида 8 кунда униб чиқди. 2013 йилда фенологик кузатув саналарига кўра чигитларнинг унувчанлиги 4 муддатда (1.05, 3.05, 6.05, 9.05) аниқланди. 2013 йилда чигитлар униб чиққан кундан кейин 12 кунда тўлиқ унувчанликка эришилган бўлса, 2014 йилда эса 3 муддатда (2.05, 5.05, 8.05) аниқланиб, чигитлар 10 кунда тўлиқ униб чиққанлиги кузатилди. 2014 йилда ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши, тупроқ намлигининг етарли бўлиши ва чигитларнинг ўз вақтида экилиши, чигитларнинг қисқа муддатларда униб чиқишига сабаб бўлди. 2013 йилда эса чигитлар униб чиққандан кейин ҳаво ҳарорати ва тупроқ намлигининг пасайиши, чигитларнинг тўлиқ униб чиқиш муддатини бироз кечикишига олиб келди. Ғўза ниҳолларини яғаналаш ҳар иккала йилда ҳам май ойининг иккинчи ўн кунлиги бошида амалга оширилди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Чигитларнинг униб чиқиш саналари, 2013-2014 йй.

Йиллар	Чигит экиш		Фенологик кузатув саналари				Яғаналаш ўтказилган сана
	Экилган сана	Униб чиққан сана	1	2	3	4	
2013	18.04.2013	28.04.2013	1,05	3,05	6,05	9,05	10,05
2014	22.04.2014	30.04.2014	2,05	5,05	8,05	-	10,05

Тажриба майдончасида ғўза ниҳолларининг униб чиқиш динамикаси. Чигит экилгандан сўнг дастлабки ниҳоллар униб чиқа бошлагач, орадан 3-кун ўтказиб чигитларнинг униб чиқиш динамикаси кузатиб борилди. Кузатувлар ҳар 3 кундан тўлиқ униб чиққунгача ўтказилди. Бунда ҳар бир вариантнинг барча қайтариқларидан ҳисоб қаторларда 4 қатор белгилаб олинди ва ҳар бир қатордан 25 та уя, жами 100 та уя санаб,

уни ҳар иккала томонига белги қўйиб, қозикчалар қоқиб чиқилди. Униб чиққан ниҳоллар саналиб, фоиз ҳисобида аниқланди.

Кузатув натижаларига кўра, 2014 йилда 2013 йилга нисбатан чигитларнинг унувчанлиги юқори бўлганлигини кузатиш мумкин. Ҳар иккала йилда тажрибанинг биринчи вариантыда чигитлар унувчанлигининг бошқа вариантларга нисбатан пастлиги

кузатилди, яъни 63.2 % (2013 й.) ва 69.8% (2014 й.)ни ташкил қилди. 2013 йилда чигитлар унувчанлиги 2 вариантда 75.1% ни ташкил қилган бўлса, 3 ва 4 вариантлар орасида деярли катта фарқ

кузатилмади (77.4-78.1%). 2014 йилда эса 2, 3 ва 4 вариантларда (79.9-81.3 %) чигитларнинг унувчанлиги орасида катта фарқ кузатилмади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Тажриба майдончасида ғўза ниҳолларининг униб чиқиш динамикаси, % (2013-2014 йй.).

Вариантлар	Униб чиққан чигитлар сони, %		
	2013 й.	2014 й.	Ўртача икки йиллик, %
1	63,2	69,8	66,5
2	75,1	79,9	77,5
3	77,4	80,2	78,8
4	78,1	81,3	79,7

2013 йилги кузатувларда чигитлар унувчанлигининг паст бўлишига асосий сабаб, баҳор ойларида айниқса, апрел ойининг учинчи ўн кунлигида чигитлар уна бошлагандан кейин бир ҳафта давомида ёмғирларнинг узлуксиз ёғиши ва май ойи бошида ёғингарчиликнинг кўп бўлиши, ҳаво ҳароратининг пасайишидир. Айниқса, ёмғирлар натижасида даланинг тез-тез қатқалоқ бўлиши ва уни қалинлашишига ҳамда дала тупроғининг зичлашишига олиб келди. Бу ҳолат эса далада чигитларнинг унувчанлигини пасайтириб юборди ва чигитларни униб чиқиш тезлиги бироз кечикишига сабаб бўлди. Энг паст унувчанлик 1 вариантда кузатилиши, бу вариантда ҳеч қандай агротехник тадбирларнинг ўтказилмаслигидир.

Икки йиллик кузатув натижаларга кўра тажрибанинг ҳеч қандай агротехник тадбирлар ўтказилмаган 1 вариантда унувчанлик паст (66.5 %) бўлди. Чигитларнинг унувчанлиги 2, 3 ва 4 вариантлар орасида деярли унчалик катта фарқ кузатилмади. 2 вариантда 77.5 %, 3 вариантда 78.8 % ва энг юқори унувчанлик 4 вариантда 79.7 % ни ташкил қилди. Тажриба майдончасида кўчат қалинлигига эришиш. Дунё амалиётида шу нарса аниқланганки, пахтадан эрта ва мўл ҳосил, сифатли маҳсулот етиштириш агротехник

тадбирлар савияси, мақбул муддатларда ўтказилишига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, ҳозирги жадал технология асосида дехқончилик юритилаётган бу даврда қишлоқ хўжалиги экинлари кўчат қалинлигини тўғри танлаш, тупроқ ҳолати асосида қолдириш анча муҳим аҳамият касб этади.

Мўлжалдаги ҳосилни олишда, ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлиши жуда муҳим омил. Баҳорнинг серёмғир келиши ва тупроқ ҳароратининг пасайиб кетиши ҳамда тупроқнинг зичланишига сабаб бўлади. Шунингдек, экин майдонларининг яхши тайёрланмаганлиги, чигитларнинг қуруқ жойларга тушиб қолиши, тупроқда етарли намлик бўлмаслиги, қатқалоқ пайдо бўлиши ва ҳароратнинг пасайиб кетиши чигитларни ўз вақтида ундириб олишга тўсқинлик қилади. Униб чиққан ниҳоллар ҳам нимжон ва турли касалликларга чалинувчан бўлади. Бундай ҳолатлар далаларда тўлиқ кўчат олиш имкониятини пасайтириб юборади.

Илмий муассасаларнинг маълумотлари ва воҳа тупроқ иқлим шароитини ҳисобга олиб ўрта толали, III-IV тип шаклланишдаги тупи тарқоқ ғўзаларга, далаларнинг ҳолатига қараб, қуйидаги кўчат қалинлиги бўлиши тавсия этилади: - ер ости сувлари ер бетига яқин жойлашган ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқ

тупроқларда, яъни ғўза кучли ўсадиган майдонларда 75-80 минг туп кўчат қолдириш лозим.

Юқоридаги тавсиялардан келиб чиқиб, тажриба далалари тупроқ иқлим шароитини инobatга олиб, тажрибада кўчат қалинлиги гектарига 75-80 минг туп кўчат қилиб белгиланди. Яганалашда ҳар бир ҳисоб қаторида 7-8 та (1 п/м) туп ўсимлик қолдирилди. Изланишларда тажриба даласидаги кўчат қалинлиги икки марта: яганалашдан кейин ва терим олдиан аниқланди. Бунинг сабаби олинган ҳосилни тўғри аниқлашда ва бошқа омиллар таъсирини аниқлашда ёрдам беради.

Кўчат қалинлиги ўрганилаётган барча вариантларда яганалашдан кейин ҳар иккала йилда ҳам 80 мингдан кам кўчат қолдирилди.

Дастлабки фенологик кузатувлар яганалашдан кейин (10 май) ўтказилди. Унга кўра, ҳар иккала йилда ҳам тажрибанинг биринчи вариантыда яганалашдан кейин кўчат қалинлиги 70.5-72.6 минг туп/га ни ташкил қилди. Яганалашдан кейин 2014 йилда кўчат қалинлиги 2013 йилга нисбатан 2.5-3.2 минг туп/га га кўплиги кузатилди.

2013 йилда яганалашдан кейин кўчат қалинлиги 2, 3 ва 4 вариантларда 74.7-75.4 минг туп/га ни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда эса бу кўрсаткич вариантлар бўйича 77.2-78.3 минг туп/га ни ташкил қилди.

Кейинги кузатувлар йиғим-терим олдиан (10 сентябрь) ўтказилди. Кузатув натижаларига кўра 2013 йилда ҳеч қандай агротехник тадбирлар ўтказилмаган 1 вариантда кўчат қалинлиги 40.8 минг туп/га ни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 43.6 минг туп/га ни ташкил қилди. 2 ва 3 вариантларда кўчат қалинлиги 2013 йилда вариантлар бўйича 68.9-70.3 минг туп/га ни, 2014 йилда эса 70.6-72.3 минг туп/га ни ташкил қилди. Энг кўп кўчат қалинлиги 4 вариантда кузатилиб, 2013 йилда 73.6 минг туп/га ни, 2014 йилда эса 76.2 минг туп/га ни ташкил қилди.

Тажрибада кўчат қалинлиги барча вариантларда бир хил бўлмаслиги чигитларнинг унувчанлигига боғлиқ бўлиб, бу ҳолат тупроқ иқлим шароити ҳамда вариантлар бўйича қўлланилган агротехник тадбирларнинг таъсири билан изоҳланади (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Турли агротехнологияларнинг кўчат қалинлигига таъсири, минг туп/га, (2013-2014 йй.)

Вариант	Яганалашдан кейин		Йиғим-теримдан олдин		Нобуд бўлган ўсимликлар сони			
	2013 й.	2014 й.	2013 й.	2014 й.	2013 й.		2014 й.	
					сони	%	сони	%
1	70,5	72,6	40,8	43,6	29,7	42,1	29,6	40,7
2	74,7	77,2	68,9	70,6	5,8	7,7	6,6	8,5
3	74,6	77,8	70,3	72,3	4,3	5,7	5,5	7,1
4	75,4	78,3	73,6	76,2	1,8	2,3	2,1	2,6

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тажрибада ғўзанинг “Хоразм-127” навида қўлланилган турли агротехнологияларнинг ғўза чигитининг унувчанлиги ва кўчат қалинлиги таъсири ўрганилиб, унда энг паст кўрсаткич тажрибанинг 1 вариантыда кузатилди. Бунга сабаб тажрибанинг бу вариантыда ҳеч қандай

агротехнологияларнинг қўлланилмаганлиги (бу вариантда ғўза экини тупроқнинг табиий ҳолатига таъсир қилмасдан етиштирилади) ва тупроқ иқлим шароитидир. Иккинчи вариантда эса бу ҳолат бошқача, яъни барча тавсия этилган агротехнологиялар қўлланилсада, аммо тажрибада ғўзанинг минерал



Ўғитлар билан озиклантирилмаслиги чигитнинг униб чиқиш ва кўчат қалинлигига ўзининг таъсирини кўрсатмай қўймади. Энг юқори натижалар албатта, тавсиялар асосида амалга оширилган агротехнологиялар қўлланилган 4 вариантда кузатилди. 3 вариантда эса 4 вариантга нисбатан чигитларнинг унувчанлиги орасидаги фарқ катта бўлмасда, аммо кўчат қалинлиги 3 вариантда бироз кам кўчат сонини ташкил қилди.

Иқтисодий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, бир марта ўғитлаш ва икки марта суғориш ўтказиладиган 3 вариантнинг устунлиги кўп. Шунингдек, бу вариантда қўлланилган агротехнологиялар тупроқ механик таркиби ва структурасининг кам бузилишига, ортиқча ёқилғи, меҳнат ва бошқа ҳаражатларнинг кам сарфланишига сабаб бўлади. Бу эса бугунги кунда ер ва сув ресурслари тақчиллиги

кузатилаётган ҳозирги даврда энг самарали технологиялардан биридир.

#### **Адабиётлар:**

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Услубий қўлланма. ЎзПТИ. – Тошкент, 2007.
2. Абдуллаев А.Қ., Холбаев Г.Х., Султанова С.М. Агротеметорологик кузатишлар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Чўлпон” НМИУ, 2007.
3. Мухаммаджанов М., Зокиров А. Ғўза агротехникасининг муҳим масалалари. – Тошкент: “Меҳнат”, 1988.
4. Назаров М. Ғўзанинг озикланиши ва ҳосилдорлик. - Тошкент: “Меҳнат”, 1990.
5. Орипов Р., Халилов Н. Ўсимликшунослик. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2005.
6. Қашқаров А., Қашқаров Н., Қашқарова К. Алмашлаб экишда пахта етиштириш технологияси. – Тошкент: “Меҳнат”, 1991.

ИҚТИСОД**IMPLEMENTING FEED-IN TARIFFS OF RENEWABLE ENERGY IN CIS COUNTRIES**

**Saidmamatov O., Prof.SalaevS. -Urgench State University,Eshchanov B. - Academy of Public Administration under thePresident of Republic of Uzbekistan**

**Аннотация:** мазкур мақола ривожланаётган давлатларда муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиши учун имтиёзли тарифлар киритиши имкониятларини ўрганишга бағишланади.

**Калим сўзлар:** “яшил” иқтисодиёт, муқобил энергия, ривожланаётган давлатлар, инвестициялар

**Аннотация:** данная статья посвящена изучению возможностей введения льготных тарифов для эффективного использования альтернативных источников энергии в развивающихся странах.

**Ключевые слова:** зелёная экономика, возобновляемая энергия, развивающиеся страны, инвестиция

**Annotation:** the research paper states the possible opportunities in feed-in tariff of renewable energy that can be disseminated in CIS countries.

**Keywords:** Green economy, renewable energy, developing countries, investment

**Abstract**

Modern life is convincing us that, renewable energy technologies, policies, strategies should be disseminated all around the world to provide sustainable development. As the mature economies have already succeeded competitive results on renewable, it is high time for economies in transition to foster the green development infrastructure. Probably, feed-in tariffs of renewable energy should be designed considering public finance opportunities, buying power of consumers in order to tackle administrative barriers as an optimization strategy. The paper provides

evidence from leading countries in the industry, explores ongoing challenges in the application of feed-in tariff policies, analyses the optimal methodologies to give recommendations to stakeholders.

**1. Introduction**

Over the past decade, feed-in tariffs (FITs) have been a major instrument to promote the generation of electricity by means of renewable energy sources. However, feed-in tariffs have been criticized for being costly, inefficient, distortive of competitive pricing and, hence, in the long run not compatible with the creation of a single, liberalized electricity market in which renewable energy sources account for a major share in total power production (Sijm, 2002). Accordingly, FITs have driven 64% of global wind and 87% of global photovoltaic capacity. However, the majority of these installations have been installed in developed countries (UNEP, 2012).

The concept of “feed-in tariff” refers to the regulatory, minimum guaranteed price per kWh that an electricity utility has to pay to a private, independent producer of renewable power fed into the grid (Huber et al., 2001). For example, green energy producers received 90% of the average electricity utility rate in Germany. So, if consumers had paid, on average 10 €/kWh in 1993, farmer using wind turbine received 9 €/kWh for every kWh fed into the grids in 1995 (IWR, 1999).

The core argument to apply feed-in tariffs is that they offer a high level of investment certainty to independent (risk-averse) producers of renewable electricity by guaranteeing a fixed price for each kWh of power fed into the grid over a certain period (i.e. 5-15 years) as well as encouraging RET capacity installation (Sijm, 2002).

**2. FIT Challenges in developing economies**

Increasingly, feed-in tariffs (FITs), rather than minimum percentage requirements for

RETs used in the USA and Great Britain, have been argued to be a superior policy approach for promoting RETs (Rowlands, 2007). Germany, for example, has been especially aggressive about FIT implementation while total generation by RETs increased annually to over 20 terawatt-hours by 2002 which encourages RET capacity installation (Mitchell et al., 2006).

**Figure 2. Feed In Tariff Policy**

Investment Risks	Effectiveness/Efficiency	Complexity
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Low price, volume and balancing risks</li> <li>• In spot market transactions, balancing risk may arise (this risk can be minimized introducing a “per area” mechanism)</li> <li>• Designed to create stable investment environment (although successive FITP design adjustments may decrease investors’ confidence)</li> <li>• Predictable revenue streams</li> <li>• Help increase debt financing</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Effectiveness in terms of market growth is high (subject to compliance with RPO)</li> <li>• Sophisticated FIT design can reduce inframarginal rents</li> <li>• Allows for strategic support of different types of RE</li> <li>• No incentive for cost reductions (entire supply chain)</li> <li>• Overall cost of FITP may be high (depends on FITP design and market conditions)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Effectiveness in terms of market growth is high (subject to compliance with RPO)</li> <li>• Sophisticated FIT design can reduce inframarginal rents</li> <li>• Allows for strategic support of different types of RE</li> <li>• No incentive for cost reductions (entire supply chain)</li> <li>• Overall cost of FITP may be high (depends on FITP design and market conditions)</li> </ul>

Source: World Bank, 2011.

Policy cost is a critical issue for renewable energy law drafters, but particularly so in developing countries. FITs have a reputation for being inherently “expensive” policies, largely as a result of the large volume of renewable energy capacity that has been built in Europe under FITs. In 2009, Germany spent approximately Euro 13 billion for electricity from FITs, of which close to 5 billion represented incremental costs above average wholesale prices (Van Mark, 2010). Some developing countries may have appetite to try to follow Germany’s example. China, for example, has emerged as a leading international wind market and has installed more renewable energy capacity per unit of GDP than the US, Germany and Spain (Gordon et al., 2010). So, each government adopts radically different FIT designs to reflect their different policy goals, renewable energy targets and national circumstances (UNEP, 2012). Potential challenges of FIT policy must be considered before the approval.

- Firstly, administrative requirement: detailed analysis is required to properly set the payment level. Detailed analysis is required to properly set the payment level at the outset. The payment level must ensure revenues will be adequate to cover project costs. If the FIT payments are set too low, then little new RE development will result. And if set too high, the FIT may provide unwarranted profits to developers. To achieve the right balance across a wide range of technologies and project sizes, many levels of differentiation are used. As costs change and markets shift due to technological innovation and increasing market maturity, the FIT policy needs periodic revision to reflect evolving costs and market conditions (Karlynn et al., 2009).

- Secondly, FITs do not decrease a developer’s up-front costs, despite offering financial incentives for renewables. Policy makers enact investment tax credits, grants and rebates to reduce the high, up-front capital costs of RE installations that become integral part of market penetration. However, these mechanisms may not be effective at spurring broad market adoption, and they failed to provide stable conditions for market growth (Lantz and Dori, 2009).

- Thirdly, frequent updates to the FIT program structure can lead to policy uncertainty. The more uncertain the policy structure, even after few years, the riskier the RE investment is to the project financier. Consequently, investor may leave the RE market and choose to invest in something else with less exposure to policy risk (Chadbourn & Parke, 2009)

FITs are difficult to define in a single sentence because they are a “package” of different regulatory and incentive policies, rather than just a single, stand-alone policy such as a tax credit or a rebate (Rickerson et al., 2011).

### **3. FIT Optimization strategies in CIS countries**

Ultimately, a low carbon development growth in the developing world depends on the availability of resources to finance the solutions that exhibit incremental costs while assuring FIT policy interacts and harmonizes with other regulatory mechanisms (World Bank, 2011). When the application of FITs in CIS countries analyzed, it becomes clear that some market infrastructures are heritage from Soviet Union. However, modern world does not allow mismanaging natural resources from the viewpoint of corporate social responsibility. The following SWOT analysis identifies ups and downs of the introduction of FITs in economic conditions of CIS countries. In the case of Central Asia,

introduction of FITs can encourage renewable energy generation from bio masses where the territory is focused on agricultural economy. Hence, totally

modernized agricultural process can generate alternative energy supply to enrich the quality of electricity delivery process:

### SWOT analysis

<b>Strengths</b>	<b>Weaknesses</b>
Creation of employment opportunities on renewable energy sector	Possibility of affecting the quality of soil, water and biodiversity
Diversification of energy supply	Economic viability dependent of regulated tariffs associated with high investment costs
Increasing public, business awareness for efficient usage from renewable energy sources	Insufficient social knowledge and awareness regarding the opportunities to use renewable energy and the resulting benefits
Storage potential and possibility of generation prediction	Lack of R&D for decision making on regional renewable energy opportunities of geographic areas
<b>Opportunities</b>	<b>Threats</b>
Economic decentralization of energy trading	Barriers of monopolistic market structure against entrepreneurship on the industry
Energy and climate change priority supported on State level	Technology transfer problems
Active participation of small and medium enterprises in energy supply	Lack of government fiscal policies to support renewable energy programs
Private sector enrolment in energy delivery process	Inadequate level of legislation to guide entrepreneurs and investors;

After identifying four dimensions of the energy market, optimization strategy can be formulated towards promoting renewable energy technologies with the support of feed-in tariffs:

a) Global evidence suggests, albeit tentatively, selling the controlling package of shares to experienced foreign firms on the sphere is more effective that keeping under the State control which leads to diversification of business portfolios of energy companies. As a result, energy efficiency, decreasing technical and non-technical losses, promoting renewable energy technologies are listed on the top of business priorities.

b) Still, the rule of agency is saved in the management process in developing economies. Achieving the targeted plan approved at the beginning of the financial year and comparison with fact details at the end of fiscal year – negative consequence of

capitalistic economy. As the investment is growing in CIS countries, new established businesses highly influence on the annual plans that was not considered at the beginning. However, growing demand to the electricity both by public and private sector, flexibility of demand concerning seasonal businesses are considered as unavoidable factors of market economies.

c) Indeed, the market economy does not achieve expected results when the human resource is not educated with the modern concepts on related fields. For example, textbooks published several decades ago do not involve innovative aspects of RETs and opportunities for alternative energy generation to the private sector. Learning the energy sciences from the point of Authoritative bodies eliminates the innovative-business aspects of the electricity generation. Experiences derived from

Germany and Spain stands for updating educational aspects of the renewable energy studies in CIS countries.

#### 4. Recommendations

Current legislation systems, fiscal constraints, rich renewable opportunities of geographic regions need scientific-practical improvements at the level of developed countries. Transition from the economy based on fossil fuels to the economy based on renewable energy with the support of feed-in tariffs in Central Asian countries is quite new concept which requires long-term strategy and serious commitment towards its dissemination.

#### 5. Reference

1. Chadbourne & Parke (2009). *Trends in Tax Equity for Renewable Energy*. Project Finance NewsWire. Accessed at <http://www.chadbourne.com/files/Publication/810dde60-3c78-4a9a-9c5d-a5fae8014b4f/Presentation/PublicationAttachment/51fc06c5-1407-48ac-9dff-a605de0f58e1/pfn0109.pdf>
2. Huber C., Faber T., Haas R., G. Resch. (2001). *Promoting Renewables: Feed-In Tariffs or Certificates*. Economics.Vienna University of Technology, Institute of Power Systems and Energy, Vienna.
3. IWR. (1999). *Vergütungssätze für Strom aus Erneuerbaren Energien (Feed-in tariffs for electricity from renewable sources of energy)*. Internationales Wirtschaftsforum Regenerative Energien. [http://www.uni-muenster.de/Energie/re/wf/E\\_Preis.html](http://www.uni-muenster.de/Energie/re/wf/E_Preis.html)
4. Karlynn Cory, Toby Couture and Claire Kreycik. (2009). *Feed-in Tariff Policy: Design, Implementation and RPS Policy Interactions*. National Renewable Energy Laboratory. Colorado, USA. pp.11-12.
5. Lantz E., Doris, E. (2009). *State Clean Energy Practices: Renewable Energy Rebates*. NREL/TP-620-45039. Golden, CO: National Renewable Energy Laboratory. Accessed at <http://www.nrel.gov/docs/fy09osti/45039.pdf>.
6. Lesser A.J, Su X. (2008). *Design of an economically efficient feed-in tariff structure for renewable energy development*. Bates White LLC, Washington, DC. Energy Policy 36, 981-990.
7. Mitchell C., Baucknecht D., Connor P.M. (2006). *Effectiveness through risk reduction: a comparison of the renewable obligation in England and Wales and the feed-in system in Germany*. Energy Policy 34, 297-305.
8. Patricia Carneiro, Paula Ferreira. (2012). *The economic, environmental and strategic value of biomass*. Elsevier. pp.4-5.
9. Rowlands, I., (2007). *The development of renewable electricity policy in the province of Ontario: the influence of ideas and timing*. Review of Policy Research 24, 185-207.
10. Sijm J.P.M. (2002). The Performance of Feed-in Tariffs to Promote Renewable Electricity in European Countries. <http://www.ecn.nl/docs/library/report/2002/c02083.pdf>
11. Tringas, T. (2011, 7 April). *Presentation Session 2: Paying for Sustainable Energy - How much more does clean energy really cost?* Paper presented at the BNEF Summit. April 7, 2011. New York City.
12. UNEP. (2012). *Feed-in Tariffs as a Policy Instrument for Promoting Renewable Energies and Green Economies in Developing Countries*. Available at [http://www.unep.org/pdf/UNEP\\_FIT\\_Report\\_2012F.pdf](http://www.unep.org/pdf/UNEP_FIT_Report_2012F.pdf)
13. World Bank. (2011). *Design and Performance of Policy Instruments to Promote the Development of Renewable Energy: Emerging Experience in Selected Developing Countries*. Washington, DC: The World Bank Group, Energy and Mining Sector Board. <http://siteresources.worldbank.org/EXTENERGY2/Resources/DiscPaper22.pdf>

ТАРИХТАДҚИҚОТЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ УМУМТАЪЛИМ  
МАКТАБЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Тарих фанлари номзоди Абдуллаев Т.П. – Урганч давлат университети  
“Тарих” кафедраси доценти, Эшчанова М.А. - Урганч давлат университети  
Тарих мутахассислиги магистранти

**Аннотация:** мақолада тадқиқотлар технологияси тарихи ва бугунги кунда умумтаълим мактабларида ундан фойдаланиш самараси хусусида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** педагогика, муаммоли ўқитиш, таълим, тадқиқот, технология, умумтаълим мактаблари, ўқувчилар, ўқитувчи

**Аннотация:** в статье рассматривается история поисковых технологий, а также эффективность применения этих технологий в общеобразовательной школе.

**Ключевые слова:** педагогика, проблема профессиональной подготовки, образования, поиск, технология, общеобразовательные школы, учащиеся, учитель

**Annotation:** the history of research technologies and the effect of their application in comprehensive schools were discussed in this article.

**Key words:** pedagogy, problem of professional training, education, research, technology, comprehensive schools, pupils, teacher

Маълумки, бугунги кун педагоглари олдида турган энг долзарб вазифалардан бири таълимда назарий билим бериш билан чекланиб қолмасдан, олинган билимларни ҳаётда, амалда қўллаш кўникмасини шакллантириш, ўқувчи узлуксиз таълим тизимида (умумтаълим мактабидан олий таълимгача бўлган жараён) олаётган билимлари ҳаётий эканлигини ва уларни амалда қўллаш, ҳаётий вазиятларда қўл келишига, ўрганилаётган фанлар нафақатгина назарий билим эмаслиги, балки ҳаётнинг,

бутун бир касбий фаолиятининг ажралмас қисми эканлигини билиши зарур. Таълимнинг шу тарзда ташкил этилиши замон талабларига мос жавоб бера оладиган, етук комил инсонни-баркамол авлодни тарбиялаш имкониятини беради. Ушбу талабларни амалга оширишда эса, табиийки, таълим тизимида “тадқиқотлар технологияси”дан фойдаланиш ва унинг мазмун моҳиятини англай билишимиз керак.

“Тадқиқот” сўзи тилимизга араб тилидан кириб келган сўз бўлиб, тадқиқ сўзининг кўплигидир. Тадқиқ сўзи тилимизда якка ҳолда қўлланмай, тадқиқ қилмоқ ёки этмоқ каби бирикма ҳолида қўлланилиб, илмий асосда текширмоқ, ўрганмоқ, текшириб аниқламоқ каби маъноларни англатади. Тадқиқот деганда илмий ўрганиш, текшириш ишларининг натижалари тушунилади [2].

“Технология” юнонча сўз бўлиб, тилимизга 1872 йилда рус тили орқали кириб келган. “Технос”- санъат, маҳорат, ҳунар, “логос” - фан демакдир. Сиёсий луғатда ишлаб чиқариш жараёнида ашёлар, материаллар, куроллар орқали таъсир ўтказиш усуллари тўғрисидаги фан бўлса, “Қомусий луғат”да эса бир мунча кенгроқ ёритилган бўлиб, фан сифатида технологиянинг вазифаси ҳар томонлама самарали ва тежамли ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ва амалиётда ундан фойдаланиш каби изоҳлар билан қайд этилади [3].

Демак, кейинги, қомусий луғат бўйича берилган изоҳ бугунги кун тушунчасига мос бўлиб, “технология” дейилганда меҳнат куроллари билан меҳнат воситаларига таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш бўйича қилинган меҳнат ва жараёнлар

тушунилади. Ушбу таърифни таълим тизими нуқтаи назаридан шарҳласак, яъни бунда ўқитувчи томонидан ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир ўтказиш ва бу фаолият махсули сифатида уларда муайян шахс сифатларини шакллантириш жараёни деб ҳам қабул қилиш мумкин. Шунингдек, технология деганда субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутди [4].

Э.С.Полат тадқиқотлар технологиясига шундай таъриф беради: “Тадқиқотлар технологияси бу ўқитиш ва англаш усуллари ва ўрганувчиларнинг ҳаракат бирлигидир” [5]. Бу ҳаракат қандайдир муаммо ёки мавзунини мустақил ўрганишга ва унинг натижасини тақдим этишга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир. Агар тадқиқотлар технологиясига педагогик технология сифатида қарайдиган бўлсак, унда бу технология тадқиқотларни муаммоли ўқитиш методлари, ижодий жараёнларнинг йиғиндисидир [6].

Тадқиқотлар технологиясининг тарихий илдизлари XVII асрларга бориб тақалади. Бу ҳодиса дастлаб Парижда 1702 йилда Париж архитектураси Қироллик Академиясида қурилиш режалари ва эскизлари лойиҳалари бўйича ўтказилган доимий танловлар натижасида содир бўлиб, танловнинг асосий шартини берилган вазифаларни ижодий (креатив) фикрлаш ва ҳамкорликда фаолият олиб бориш орқали бажариш бўлган. Бунда ўқувчилар ўз лойиҳалари устида ишлаш жараёнида ижодий фикрлаш ва фантазияларини ривожлантиришлари ва классик удумлар доирасида ўзига хос ечимга келишлари керак эди. Тадқиқотлар технологияси тушунчаси XIX асрнинг I ярмидан Франция худудидан герман давлатларига тарқалди. Герман давлатларида ушбу

технология ишчилар мактаблари ва касб - хунар коллежлари таълимида кенг қўлланилган. Америка давлатларида эса ўқитишнинг асосий шакли сифатида тадқиқотлар технологиясидан фойдаланилган, бунда ўқувчилар нафақат лойиҳалар ишлаб чиқиш балки, уларни устахоналарда амалга оширишлари ҳам мумкин бўлган. Вашингтон университети қошидаги махсус мактаб ўқувчилари ўз қўллари билан буюмларни ясаган. Бунда асосан уч нарсага: ўқувчилар, амалиёт ва машғулотга эътибор қаратилган. 1905 йилларда тадқиқотлар технологияси Россияда пайдо бўлиб, С.Т.Шацков раҳбарлиги остида бир гуруҳ педагоглар таълимда қўллаш бошладилар. Бу жараён 1931 йилгача давом этиб, Собик Шўро даври ушбу методни қўллаш қатъиянман этилди, бироқ, XX асрнинг 80 йиллар охирида яна мазкур методга қайтиш жараёни бошланган.

Илк маротаба АКШда пайдо бўлган лойиҳалаштириш методлари кейинчалик Буюк Британия, Япония, Финландия, Корея, Сингапур, Германия ва бошқа давлатларда ҳам ривожлана бошлади. Тадқиқотлар технологиясининг асосий ғояси шундаки, таълим жараёни нафақат ўқув предмети доирасида, балки ўқувчининг ўқишга бўлган қизиқишини, ҳаёти давомидаги эҳтиёжини қондирадиган фаолияти ривожланиш доирасида амалга оширилади, яъни педагогик жараёнда асосий эътибор шахснинг ривожланишига қаратилади.

Демак, умумтаълим мактабларида тадқиқотлар технологиясини қўллаш бўйича методик ва методологик тавсиялар ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, умумтаълим мактабларида тадқиқотлар технологиясининг афзаллигини қуйидагича таҳлил қилишимиз мумкин:

- ушбу метод таълим тизимида энг қийин муаммолардан бири бўлган мотивация муаммосини ечишга ёрдам беради;

- бугунги кунда анъанавий услублар ёрдамида ўқувчиларни ўқишга жалб қилиш мушкул, нафақат паст



ўзлаштирувчи ўқувчилар, балки қобилиятли ўқувчилар ҳам бундай дарсдан зерикашади;

- дарсларда янги маълумотларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларни жалб этадиган муаммоли вазиятларни илгари суриш керак, шунингдек бу муаммо олдиндан маълум бўлмаслиги ва уни ҳал қилиш учун ҳар бир ўқувчидан изланиш ва ижодий фаолият талаб этилади.

Тадқиқотлар технологиясидан самарли фойдаланиш умумтаълим мактабларида тегишли ижтимоий муҳитни яратишни талаб этади ҳамда мазкур жараёнлар ўқув жараёни билан бирга дарсдан ташқари фаолиятни ҳам камраб олади.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1998.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., 1981. – 2-том. – 106 б.
3. Эльконин Д.В. Психология игры. – М., 1979.
4. Azizxo'jayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – Т., 2006.
5. Полат Е.С. Как рождается проект. – М., 1995.
6. Abdullaeva N. Akademik litsey va kasb-hunar kollejarida tarix fanini o'qitishda tadqiqotlar texnologiyasidan foydalanishning ilmiy-uslubiy asoslari. – Magistrlik dissertatsiyasi. – Urganch davlat universiteti, 2013.

## ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ҲАРБИЙ КУЧЛАРИ ВА ҚУРОЛЛАНИШ ТАРТИБИ

Каримов Я.А. – Урганч давлат университети “Тарих” кафедраси ўқитувчиси,  
Хикметов О. - Тарих факультети талабаси

**Аннотация:** мақолада Хива хонлигининг ҳарбий қўшини тузилиши ва бошқарув тартиблари ҳамда қуролланиши таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** ҳарбий кучлар, мунтазам қўшин, амирул умаро, қушбеги, иноқ, сарханг, ясовулбоши, сатриф, миршаб

**Аннотация:** в статье анализируются структура, принципы управления, а также вооружение войска Хивинского ханства.

**Ключевые слова:** военные силы, регулярная армия, амирул умаро, кушбеги, инак, сарханг, ясовул-боши, сатриф, миршаб

**Annotation:** this article is devoted to the analysis of military structure, administration principles and arming of the Khiva khanate.

**Key words:** military structure, yasavulboshi, mirshab, soldier, military hardware, privileges

XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро ва Қўқонда кузатилгани каби Хива хонлигида ҳам мунтазам ҳарбий кучларни ташкил этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хонликда умумий сони 2 минг кишилик мунтазам қўшин тузишга эришилди. “Хон навкарлари” деб аталган бу қўшиннинг зиммасига мамлакатда тинчлик ҳукм сурган даврларда хон ва унинг оиласини кўриқлаш вазифаси топширилган эди. Хон томонидан бу қўшинга бир қатор имтиёзлар берилган бўлиб, хусусан, бу қўшин навкарларини олий ҳукмдор Хива атрофидан маълум миқдордаги ер майдони ва маош билан таъминлаган. Худди шундай таъминотга қўшиннинг юқори мансабдорлари ҳам сазовор бўлган.

Хива хонлигида Бухоро ва Қўқон давлатларида бўлгани каби мунтазам қўшин билан бир қаторда, ҳарбий ҳаракатлар авж олган даврларда тўпланадиган халқ лашкарлари ҳам мавжуд эди. Бундай лашкарнинг асосини

отлиқ ва пиёда аскарлар ташкил этган. XIX аср ўрталаригача оид архив маълумотларидан маълум бўлишича, хонликда бундай аскарларнинг сони 9-10 минг атрофида бўлган. Уларга хон томонидан ерлар инъом этилар ҳамда улар турли солиқ ва мажбуриятлардан озод қилинган эдилар.<sup>1</sup>

XIX асрга оид Хива давлат архивига оид ҳужжатлардан аён бўлишича хонлик ҳарбий кучлари юзлик, ўнлик каби гуруҳларга бўлинган. Уларнинг тепасида мингбоши туриб, у ўз навбатида, қўшин қўмондони - ясовулбошига бўйсунган. Мамлакатда тартиб ўрнатишга ва шариат ҳукмлари асосида ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишга маъсул бўлган мансабдор шахслар-қозилар, муфтийлар, мух-тасиблар каби мансаб эгалари хонликларнинг ҳарбий тизимида ҳам фаолият кўрсатганлар.

Хива хонлигида қўшин тўпчилар (артиллерия), отлиқ қисмлар (навкарлар), хоннинг шахсий навкарлари (шахсий гвардия) ва пиёдалар (сарбозлар) бўлган. Навкарлар деб юритилган отлиқ қисмлар асосан туркманлардан иборат бўлиб энг жанговар қисм ҳисобланган. Отлиқ қўшин милтиқ, қилич ва ҳанжар билан қуролланган.

Сарбозлар деб юритилган пиёдалар эса асосан ўзбеклар, қорақолпоқ ва туркманлардан ташкил топган. Хоннинг алоҳида ўз шахсий гвардияси - хон навкарлари Хива шаҳрига жойлаштирилган. Улар шаҳар атрофида ўз мулкларига эга бўлган. Хон навкарлари ер-сув, маош билан таъминланган, солиқ ва мажбуриятлардан озод бўлган. Хонликда қатор ҳарбий мансаблар мавжуд бўлган. Буларга:

**Амирул умаро** - бу лавозим эгаси сипоҳи амалдорларнинг амири ҳисобланади. Хон буйруғи билан улар буйруқ, фармон тарқатувчидир. Амирул умаро ўз мавқеига кўра иноқдан кейин турган ҳарбий амалдор бўлган.

**Қўшбеги** - сипоҳ амалдорларни тартибга солувчи, уларни хон мажлисига киргизиш чикарувчидир.

**Иноқ** - бутун хонликдан тўпланадиган солғут, ҳирождлар устидан назоратни амалга оширган. Бундан ташқари иноқ ҳарбий-маъмурий амалдорларга етакчилик қилган.

**Сарҳанг** - хоннинг сафарга чиқишидаги ҳарбий аскарний қисмларнинг ортидан назорат қилувчи ҳарбий амалдор бўлган.

**Ясовулбоши** - хон гвардиясидаги умумий ясовулларнинг бошлиқлари. Ясовулларга хоннинг шахсий гвардияси бошлиғи сифатида хонни ва унинг оила аъзоларини қўриқлаш, саройда ички тартиб интизомни сақлаш буюрилган.

**Сатриф** - урушда отиладиган ва ийд рамазон байрам кунларида отиладиган тўпчи мушакчилар бошлиғи.

**Миршаб** - хон пойтахтини ва шаҳарларни сақловчи қўшинлар бошлиғи. Бундан ташқари эшикоға, юзбоши, даҳабоши, пашшоф (100 кишилиқ шаҳарга соқчилик қилувчи қисм), ясовул каби бирқанча ҳарбий лавозимлар мавжуд бўлган.

Хива хонлиги қўшинларининг қуроллари будаврда ҳам асосан милтиқ, қилич, қалқондан иборат бўлган эди. Милтиқлар асосан Ҳазораспдаги маҳаллий қуролсоз усталар томонидан тайёрланган. XIX аср иккинчи ярмига келиб, хонлик қўшинларида рус ва инглиз милтиқлари пайдо бўла бошлайди. Россия қўшинлари тажовузи арафасида хонликда 21 та тўп мавжуд эди.

Хон ўз навкарларини қуроллантириш учун Туркистон генерал-губернаторлиги орқали Россия ҳарбий вазирлигидан кўп илтимослардан сўнг рус берданка (1869-91 йилларда ишлаб чиқарилган милтиқ, Рус-турк урушида илк бора қўлланилган. Конструктор Хейрем Бердан)ларини олишга муваффақ бўлган. Аслида чор ҳукумати Хива хонлигини қурол билан таъминлаш, қуролли кучларни кучайтиришдан манфаатдор эмас эди. Бу навкарлар хонликда сарой қўриқчиси вазифасини бажарганлиги учунгина уларга қурол берилган. Қолган навкарлар хизматга ўз отлари ва қуроллари билан келган. Уларнинг қуроллари жуда эски

бўлиб, замон талабларига жавоб бермас эди.

Хулоса қилиб айтганда, Хива хонлиги ўз даврида, яъни мустамлакачи давлатлар босқинига қадар қуролланиш тартиби, кўшин таркиби жиҳатидан Осиёдаги бошқа давлатларга нисбатан кучли бўлиб улардан қолишмаган. Зеро, муҳтарам Президентимиз Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг миллий армиямиз ҳақида сўзлаган нутқларида "...Менинг энг эзгу орзуим шуки, армиямиз халқимиз, миллатимизнинг минг йиллар давомида шаклланган асл қиёфаси, азалий кадриятлари ва

хислатларини ўзида мужассам этсин, унинг сафларида хизмат қиладиган фарзандларимиз ўзи туғилиб ўсган, вояга етган, ота-боболарнинг хоки ётган муқаддас заминимизга бир умр садоқатли бўлсин".

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. – Тошкент, "Шарқ", 2012.
2. Баёний. "Шажарайи Хоразмшоҳий". – Т., 1994.
3. Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. Т.: "Фан", 1954.

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ СИЁСАТИНИНГ ГУМАНИСТИК АСОСЛАРИ ВА УНИНГ АМАЛДАГИ НАТИЖАЛАРИ

Тарих фанлари номзоди Жуманиёзова М. - Урганч давлат университети  
Тарих кафедраси катта ўқитувчиси, Маткаримова С. - Урганч давлат университети  
магистранти

**Аннотация:** ушбу мақолада Ўзбекистон миллий сиёсатининг гуманистик асослари ва унинг амалдаги натижалари таҳлил қилинган. Ўзбекистон миллий сиёсатининг асослари, шу асосда чиқарилган қонун, фармойиш ва қарорлар Президент И.Каримов асарлари ва статистика маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** миллий сиёсат, миллий маданият, миллий дастур, қонун, миллат, элат, байналминал тарбия, цивилизация, бозор иқтисодиёти

**Аннотация:** в статье анализированы гуманистические основы и их практические результаты национальной политики Узбекистана. На основе произведений Президента И. Каримова и статистических данных анализированы законы, постановления и приказы, принятые на их основе.

**Ключевые слова:** национальная политика, национальная культура, национальная программа, закон, нация,

соплеменники, интернациональное воспитание, цивилизация, рыночная экономика.

**Annotation:** in the given article humanistic fundamentals of national policy of Uzbekistan and laws, orders, decrees elaborated on the base of this policy and the results in real life were analyzed by the President I.Karimovs works and statistical data.

**Key words:** national policy, national culture, national program, law, nation, civilization, market economy

XX асрнинг сўнгги чорагида юз берган сиёсий бўҳронлардан омон чиқа олган ўзбек халқи ўзининг кўп минг йиллик тарихида биринчи марта ўз мустақил миллий давлатини барпо этди. Бу муҳим воқеа миллат олдига янги имкониятлар эшигини очди ва унинг ривожланишини тезлаштирди. Янги республика ташкил этилаётган даврдаги энг муҳим ва энг оғир масала бу – жамиятни маънавий янгилаш масаласи эди. Зеро, бу даврда улкан мафкуравий бўшлиқ юзага келган эдики, агар у ўз

вақтида тўлдирилмаса жамият ва давлатнинг ўнглаб бўлмас ҳалокатига олиб келарди. Президентимиз айтганидек, мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлироқдир.

И.А.Каримов жамиятни маънавий янгилашдан бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборатлигини кўп бора таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини сақлаш ва уни мустаҳкамлаш учун халқ бирдамлиги ва ёрдами жуда зарур эканлигини яхши тушунган И.А.Каримов давлатимизнинг тараққиёти учун халқимиз узоқ вақтлардан бери соғинган миллий сиёсат юритиш ишига киришди. Бундай сиёсат олиб бориш полиэтник минтақа ҳисобланган Ўзбекистон учун албатта зарур ва шу билан биргаликда эҳтиёткорликни талаб қилар эди. Албатта Ўзбекистон миллий сиёсати ўзига хос пойдеворга эга эди. Зеро, миллий сиёсатнинг самарали ва муваффақиятли бўлишининг шартларидан бири *байналминал тарбиянинг янги тизимини шакллантиришдан* иборат эди.

Биламизки, биз босиб ўтган жамият (социалистик жамият) пролетар интернационализм ёки социалистик интернационализм каби мафкура ва ғояларга асосланган эди. Гарчи бу давр ғоялари инсонпарварлик кўринишига эга бўлсада, назарий жиҳатдан хато негизга асосланганлиги сабабли қотиб қолди ва инсоният тараққиётини секинлаштирувчи омилларидан бирига айланди. Эндиликда бундай хатога йўл қўймаслик учун миллатлараро муносабатлар маданиятининг назарий пойдевори ва замини ҳар томонлама аниқлаб олинди.

Янгича байналминал тарбиянинг пойдевори – миллатлар ва миллий тилларнинг келажагига, истиқболларига тўла ишонч билан қарашдир. Инсоният томонидан тўпланган тажрибаларга

асосан миллатлар ва миллий тиллар жамият тараққиётида ниҳоятда жиддий ва ижобий роль ўйнайди. Зеро, миллатлар кишиларнинг тил бирлиги, маданият ва руҳият, иқтисодий ҳаёт бирлиги асосида уюштиришнинг инсоният томонидан кўп минг йиллик тажрибаси давомида топган энг етук, энг оқил ташкил қилинган, жамият ҳаётини юксак даражада бўлишини таъмин этадиган ижтимоий воқеадир [5].

Айни пайтда миллатимиз ва миллий тилимизнинг ривожига катта эътибор берилди ва ўзбек тилида давлат тили деб эълон қилинди. Ўзбек миллати тилининг давлат тили деб эълон қилиниши халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишини тезлаштирди. Инчунун расмий ҳужжатлар, фан ва адабиёт ўзбек тилида халққа етказилди. Ўзбек тилида ижод қилиш биринчидан, миллий тилни бойитган бўлса, иккинчидан, жуда кўп истеъдодларни юзага чиқарди.

Ўзбекистон ўзининг миллий сиёсатида нафақат ўзбек миллати масаласига, балки миллатлараро муносабатлар масаласига, шунингдек, шу ҳудудда яшаётган ҳар бир миллат тақдирига алоҳида эътибор қаратди. Зеро, Ўзбекистон аҳолиси 136 та миллат ва элатдан иборат. Шулардан энг йириклари ўзбеклардан ташқари 8 тадир. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли миллатларнинг ҳуқуқлари инсонпарварлик ғояларига асосланган ҳолда ҳимоя қилинади. Республикамизда ташкил этилган миллий маданий марказлар бунинг яққол мисолидир. Айтиб ўтиш жоизки, бундай марказлар янгича миллий сиёсатнинг мазмун ва моҳиятини ўзларида мужассамлаштирувчи, унинг тамойил ва қарашларини ҳаётга татбиқ этувчи ташкилотлардир. Рус, арман, қирғиз, туркман, қозоқ, корейс, украин миллатларининг маданий марказлари томонидан ташкил этилган “Сабантуй” тантаналари, “Манас” эпосининг минг йиллиги, “Корея-Ўзбекистон” тантаналари, фотоқўرғазмалар, славян ёзуви байрамининг ўтказилиши, Ўзбекистон

фуқароларининг маданий марказлар орқали бошқа давлатларда ўқиш имкониятларига эга бўлишлари таҳсинга сазовордир. Зеро, ер юзида тинчлик ва фаровонлик ўрнатилишининг асосий омили ва гарови ўз миллатини кучли севиш ва қардош миллатлар кадриятларини қаттиқ ҳурмат қилиш туйғусининг шаклланишидир [3].

Ўзбекистон Республикаси миллий сиёсатининг гуманистик асослари Республика Конституцияси моддалари билан асосланган. Унинг 8 моддасида “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади” [2] - дейилади ва Ўзбекистон халқи тушунчаси Конституция даражасида қуйидагича баён этилади. Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллати ва ирқий мансублиги ва диний эътиқодидан қатъий назар, мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир. Конституциянинг 31 моддасида [2] эса диний эътиқод юзасидан берилган эркинлик миллий сиёсатнинг тўғрилигини яна бир бор исботлайди. Мустақилликдан олдинги миллий сиёсат миллатларни қўшиб юборишга хизмат қилган бўлса, Ўзбекистон миллий сиёсати миллий гуруҳлар тили, маданияти, урф-одатлари тикланишини, эркин тараққий этишини таъминламоқда.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидламоқ зарур. Республикамизда амалга оширилаётган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” фан ва таълим соҳасидаги муҳим ислоҳот бўлди. Миллий сиёсатимизнинг асосларидан бири бўлган бу дастур амалга оширилаётган ўтган давр мобайнида дастур доирасида 12 йиллик мажбурий таълимга босқичма-босқич ўтилди. Таълимнинг барча босқичлари учун ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилди. Ўрта умумтаълим мактабларида таълим давлат тилидан ташқари яна 7 та тилда олиб борилмоқда. Статистик маълумотлар бўйича рус тилида 806 та, қорақалпоқ тилида 394 та, қozoқ – 483 та, тожик

тилида 238 та, қирғиз тилида 61 та, туркман тилида 46 та мактаб фаолият кўрсатмоқда [4].

Ўзбекистон ўзининг миллий сиёсатида халқаро муносабатларга алоҳида эътибор қаратганлиги таълим соҳасида яққол ифодасини топган. Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, И.М.Губкин номидаги Россия Давлат нефть ва газ университети, Турин политехника университети, М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети каби халқаро Олий ўқув юртлари филиалларининг ташкил этилганлиги бунинг яққол далилидир. Ҳозирги кунда юқорида қайд этилган олий ўқув юртларида энг юксак халқаро стандартлар асосида юқори сифатли кадрлар тайёрланмоқда. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширади. Зеро, Республикамиз миллий сиёсатининг асосий 3 та таянчидан бири бўлган бозор иқтисодиётига ўтиш каби муҳим ва ўта мураккаб масалани ҳал этишда бундай кадрлар асосий ўрин эгаллайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва тараққиётнинг “ўзбек модели” эса миллий сиёсатда танланган энг мақбул йўл эканлигини деярли бутун дунё тан олди десак янглишмаймиз.

Таълим, миллатлараро муносабатлар ва бозор иқтисодиёти масалалари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Ҳозирги замон – бозор муносабатлари замонидир. У миллатидан, динидан қатъий назар бутун инсониятни ўз иштирокчисига айлантиради ва рақобатбардошликни таъминлайди. Унинг ўзига хос қоидалари бўлиб, бойлар ва камбағаллар, тадбиркорлар ва ночорларни юзага келтиради. Ана шундай пайтда давлат умумхалқ ташкилотига айланиши керак бўлади. Ҳозирги замоннинг ривожланган давлатлари халқаро тажриба асосида аста-секин ўзларига жиддий хулосалар чиқариб олдилар ва ўзларининг ички миллий сиёсатларини демократик қоида ва тамойиллари асосида олиб бориш йўлига ўтмоқдалар. Зеро, Ўзбекистон ана

шундай давлат ва жамиятни тузиш ишига киришди ва у қабул қилган қарорлар ва қоидалар барча учун миллатидан қатъий назар, тенг кучга эга бўлади. Бундай жамиятда ортиқча бойлик ва ортиқча камбағалликка йўл қўйилмайди. Бозор иқтисодиётининг шиддатли қонунлари қайси бир миллатнинг инқирозига сабаб бўлмаслиги учун ер юзидаги барча халқлар ва миллатлар ҳамкорлик ва тотувликда яшамоғи керак. Президентимиз И.Каримов "... кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз бу – умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва

фуқаролараро тотувликдир” - деган эди [1].

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 9 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. 5 б.
3. Зиёмухаммедов Б. Комилликка элтувчи китоб. – Т., 2006. – 116 б.
4. Статистик тўплам. – Т., 2011. – 107 б.
5. Хоназаров Қ. Мустақиллик ва миллий муносабатларнинг ривожини. – Т., 2001. – 46 б.

## HOZIRGI ZAMON GEOSIYOSATIDA AXBOROT OMILINING O`RNI VA AHAMIYATI HAQIDAGI QARASHLARNING O`ZIGA XOSLIGI

Jumaniyozova X. – Urganch davlat universiteti magistranti

**Аннотация:** *ushbu maqolada axborot omilining kecha va bugungi kundagi jamiyat, davlat hayotida o'ziga xoslik tomonlari qiyosiy tahlil etiladi. Hamda globallashuv sharoitidagi geosiyosiy va mafkuraviy jarayonlarning rivojlanishida axborot tushunchasining mohiyatiga oid ayrim masalalar yoritilgan. Shuningdek "Axborot o'zi nima va u hozirda qanday ma'noda aks ettirilmoqda?" degan savollarga javob topish mumkin.*

**Калит со'злар:** *axborot, geosiyosiy omil, globallashuv, geopolitik maqsad, noosfera, terrorizm, "universal demokratiya", "axbor", "to'rtinchi hokimiyat"*

**Аннотация:** *в этой статье сравнительно анализируются своеобразные стороны информационного фактора в жизни общества, государства вчерашнего и сегодняшнего дней. Также освещены некоторые проблемы, относящиеся к понятию "информации" в развитии геополитических и идеологических процессов в условиях глобализации. Также можно найти ответ на вопросы "что такое информация и в каком значении отражается сейчас"?*

**Ключевые слова:** *информация, ноосфера, геополитический фактор, глобализация, геополитическая цель, терроризм, "универсальная демократия", "четвёртая власть"*

**Annotation:** *in this article special features of informational factors are comparatively analyzed in the past and current life of people. As well as, several issues, which belong to conception of "information", are enlightened in developing ideological and geopolitical processes in the procedure of globalization. Also, answers can be found for the questions like "What is information itself and what meanings does it have?"*

**Key words:** *information, noosphere, geopolitical factor, globalization, "universal democracy", geopolitical aim, "the fourth government"*

Tarixdan ma'lumki, qadimgi davlatlar o'rtasida mustahkam va do'stona munosabatlar o'rnatishda elchilik, xat-xabar aloqalarining o'rni muhim ahamiyat kasb etgan. Chunki bu elchilik aloqalari orqali necha-necha ming urushlarning oldi olinib, millionlab insonlarning hayoti saqlab qolinishiga erishilgan. Ya'ni, bugungi kunda

mana shunday ahamiyat kasb etayotgan vosita bu – Ommaviy axborot vositalari hisoblanadi. Ana shu ahamiyatdan kelib chiqib, oxirgi paytlarda informatsion xurujlarning tez-tez takrorlanib turishi bugungi kunda urushga munosabatning o'zgarganligini, ya'ni yangicha qurol turi kashf qilinganidan darak beradi. Bu qurol vositasi – axborotdir.

Shu o'rinda axborot atamasiga lug'aviy izoh berish joiz. Axborot atamasining o'zagi arabcha "axbor" so'zidan kelib chiqqan bo'lib, o'zbekcha "xabarlar" degan ma'noni anglatadi. Axborot so'zining o'zagi muqaddas hadis va ezgu amallarga nisbatan qo'llanilgan atamadan kelib chiqqan [5]. Ya'ni har nimani yoki yolg'on xabarni biz axborot deb hisoblab, uni keng jamoatchilikka yoyishimizning o'zi ham aslida gunoh hisoblanadi. Chunki yuqorida keltirilgan ta'rifdan kelib chiqadigan bo'lsak, axborot atamasini biz faqat jamiyatga foyda keltiradigan, kishilar qalbiga ziyo va yaxshilik ulasha oladigan, odamlarni bir-biriga nisbatan mehr-oqibatli qila oladigan va albatta tinchlikka qaratilgan xabarni yoki yangilikni axborot deya qabul qilishimiz mumkin. Bu esa bugungi kunda jamoatchilik tomonidan ayrim yangiliklarga nisbatan axborot atamasining noto'g'ri qo'llana-yotganligini ko'rsatadi.

Axborot tushunchasi bu – biron bir voqea haqidagi batafsil xabar, ma'lumot. Davlatlarning o'rtasidagi muzokaralar natijasida tuzilgan bitim yoki shartnoma to'g'risida hukumatning rasmiy xabari [5]. Bu esa axborot tushunchasiga be'etibor bo'lmaslik, uning naqadar davlat ahamiyatiga doir muhim bir hujjat ekanligini ko'rsatadi. Shuningdek, hozirgi kunda ayrim geosiyosiy maqsadlarni ko'zlovchi uzoq va yaqindagi davlatlar axborot vositalaridan o'z maqsadlariga erishishning quroli sifatida foydalanishga urinayotganligi ham bu masalaning naqadar dolzarb ekanligini ko'rsatmoqda.

AQSH siyosatshunosi S.Xantington "XX asr mafkuralar to'qnashuvi asri bo'lgan bo'lsa, XXI asr sivilizatsiyalar yoki diniy to'qnashuvlar asri bo'ladi", degan edi [1]. Shu o'rinda XXI asrni biz axborot-

texnologiyalar asri deb ham ataymiz. Xuddi mana shu tomonlama yondashadigan bo'lsak, S.Xantington fikrida kelirilgan to'qnashuvlarning amalga oshiruvchisi yoki tezlashtiruvchi omili bu – axborot hisoblanadi. Zero, bugungi globalshuv zamonida axborot omilining almashishining tezlashuvi insoniyat hayotidagi ta'sir kuchining ahamiyatini yanada oshirdi. Nima uchun deganda ayni paytda ko'pchilik kishilar va davlatlar o'rtasidagi munosabatlarning ijobiy yoki salbiy ko'rinishda bo'lishida axborot almashinuvi muhim ro'l o'ynamoqda. Chunki, axborot almashuvining ijtimoiylik munosabatlarida, ayniqsa, madaniyat va ma'naviyat sohalariga chuqurroq kirib borib, yoshlar hayotida ko'proq namoyon bo'lmoqda. Prezident Islom Karimov mana shunday murakkab vaziyatda xalqimiz oldida turgan eng muhim vazifa haqida gapirib, shunday degan edi: "Agar biz dinu diyonatimizni uni buzib talqin etayotgan kimsalardan himoya qilmasak – shunday xatarni yaqin tariximizda va bugunning o'zida ham boshimizdan kechirmoqdamiz – odamlar, ayniqsa, hayot tajribasi bo'lmagan yoshlarimiz ertaga ana shu kuchlarning mash'um ta'siriga tushib qolishi mumkin" [2].

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda bugungi kunda yurtimizda ommaviy axborot vositalarining jamiyatimiz hayotidagi tutgan o'rni va ahamiyatini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlarni ishlab chiqargan holda, unga qo'yiladigan haqqoniylik va hayotiylik tamoyillarini davr talabi ekanligini uqtirishdan iborat. Jumladan, ommaviy axborot vositalarini "to'rtinchi hokimiyat" deb etirof etilganining [3] o'zi ham jamiyatimiz hayotida yuz berayotgan o'zgarishlarni ijobiy hal qiluvchi, ijtimoiy tartibni saqlovchi, davlatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar samardorligini oshiruvchi kuch va chetdan kirib keluvchi yolg'on xabarlarining oldini oluvchi himoyachi vazifalarni o'tash masuliyatini yuklaydi.

O'z oldiga erkin fuqarolik jamiyatini qurishni maqsad qilib olgan davlatimiz Konstitutsiyasining 29-moddasida shunday

deyladi: “ Har kim fikrlash, soʻz va etiqod erkinligi huquqiga ega. Har kim oʻzi istagan axborotni izlash, olish va uni tarqatish huquqiga ega, amaldagi konstitutsiyaviy tuzumga qarshi qaratilgan axborot va qonun bilan belgilangan boshqa cheklashlar bundan mustasnodir...” [4]. Lekin bu kabi qonunlarni tushunmagan holda oʻzicha “oshkoralik va demokratiya” ni talab qilayotgan shaxslar ham yoʻq emas. Bu kabi illatlarning asl sababi maʼnaviy qashshoqlikdan boshqa narsa emas. Afsuski bunday kishilar hali ham hayotimizda ahyon-ahyonda uchrab turadi. Bu kabi kishilar har qanday axborotni oxirini va asl maʼnosini oʻylamasdan oʻz maʼfaatlarini oʻylagan holda kasbiga nisbatan suistemolchilikka yoʻl qoʻyadi. Ayniqsa axborot sohasida qilingan kasbga beparvolik nafaqat kichik bir chegara hududning balki, umumbashariyat kishilarining boshiga toʻqmoq boʻlib tushishi mumkin. Shu oʻrinda ommaviy axborot vositalarining taʼsir kuchini koʻrsatadigan shunday bir gap bor: “ Har qanday puch gʻoya, uydirma haftasiga uch martadan toʻrt yil davomida takrorlansa – “haqiqat” tayyor boʻladi, odamlar unga chippa-chin ishonadilar”.

Mashhur siyosatchilardan biri Buyuk Britaniya sobiq Bosh vaziri Margaret Tetcher: “Ommaviy axborot vositalari – terrorchilar uchun kislorod vazifasini oʻtaydi”, degan [6]. Yaʼni, ommaviy axborot vositalari terrorchilar uchun havodek zarur hisoblanadi. Jumladan, televideniye orqali jamoatchilikka havola qilinayotgan terroristlarning xatti-harakatlari insonlarda qoʻrquv va vahima uygʻotadi. Xuddi mana shu narsa ularning asl maqsadi sanaladi. Shuning uchun ham har nimani axborot deb jamoatchilikka elon qilinishini biz davlat va jamiyat hayotiga aks taʼsir etuvchi omil ekanligini bugungi va kelgusi avlodga uqtirishdek ulkan vazifani oldimizga maqsad qilib qoʻyishimiz lozim.

Darhaqiqat, ikki qutbli dunyo barham topganidan keyin jahondagi geosiyosiy manfaatlar ham oʻzgardi. Geosiyosiy manfaatlar oʻzgarishi bilan butun yer yuzidagi, jumladan, dunyoning turli mintaqalaridagi davlatlararo munosabatlar

ham oʻzgardi. Ana shu jihatdan qaraydigan boʻlsak, Markaziy Osiyo mintaqasidagi geosiyosiy va mafkuraviy jarayonlar ham murakkabligicha qolmoqda. Shuningdek Gʻarbning “universal demokrat” tarafdorlari Konstitutsiyamizning 64- va 66-moddalarini “shaxsga nisbatan zoʻravonlik” deb, hamda oʻzbek qizlariga ota-onalarining kalta kuylak kiyishini, kechqurun uydin ruxsatsiz chiqmaslikni, televideniya orqali namoyish etilayotgan behayo filmlarni koʻrishni taʼqiqlashi kabilar “ayollar huquqlarining paymol qilinishi” degan fikrlari orqali asrlar davomida shakllangan maʼnaviyatimizni oʻzlarining gʻarb madaniyati yaʼni “ommaviy madaniyat”ning asiriga aylantirishni niyat qilishgan [7]. Bu kabi buzgʻunchilarning asl maqsadi insoniylikka mutlaqo yot boʻlgan mana shunday gʻoyalar orqali oʻz mafkurasini singdirish va bu orqali oʻz hukmronligini oʻrnatishdan iborat. Yaʼniayrim davlatlar tomonidan oʻz geosiyosiy maqsadlarini amalga oshirishda qulay boʻlgan - fikr va tafakkuri qaram insonlar jamiyatini yaratishda axborot omili – siyosiy omil boʻlib xizmat qilmoqda.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda xulosa shuki, har bir voqelikning yaxshi va yomon tomoni, har jamiyatning oʻziga xos muammolari mavjud. Lekin bu kabi harakatlarni yaxshi tomonga yoʻnaltirish va muammolarni ijobiy hal qilish har bir kishilik jamiyatining oʻz qoʻlida boʻlgan. Jamiyatning har bir fuqarosi oʻz kasbining bilimdoni, ustasi va albatta fidoiysi boʻlib, atrofida sodir boʻlayotgan voqea-hodisalarga eʼtiborli boʻlsagina, har qanday buzgʻunchi xabar yoki gʻoya jamiyatimiz kelajagiga rahna sola olmaydi. Bu kabi rejani amalga tatbiq etishda, ijobiy yoki salbiy samara berishida axborot omilining oʻrni beqiyosdir.

#### **Адабиётлар:**

1. Karimov I. Noosfera: geosiyosat va mafkura. – T.: “Yangi asr avlodi”, 2008. –B. 96.
2. Karimov I.A. Biz uchun xalqimiz, vatanimiz manfaatidan ulugʻ maqsad yoʻq // Xalq soʻzi gaz., 2001-y, 7-dek.



3. Karimov I.A. O'zbekistonda demokratik o'zgarishlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyati asoslarini shakllantirishning asosiy yo'nalishlari. Ikkinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi to'qqizinchi sessiyasidagi nutqi // Xalq so'zi. 2002-y. 30-avg.
4. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – T., 2012. – B. 8.
5. O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi. – T., 2000. – B.528.
6. Ergashev I. Milliy istiqlol g'oyasi . Darslik. – T., 2005. – B. 309.
7. Erkin va farovon hayotni yuksak ma'naviyatsiz qurib bo'lmaydi. – T., "O'zbekiston", 2006. – B. 40.

## АМИРЛИКНИНГ XIX – XX АСР БОШИ СИЁСИЙ БОШҚАРУВ ТАРИХИ АКС ЭТГАН МАНБАЛАР

**Тарих фанлари номзоди Матякубова М. – Урганч давлат университети доценти,  
Отмуротова Р. – Урганч давлат университети магистранти**

*Аннотация* ушбу мақолада Бухоро амирлиги тарихи бўйича ёзилган манбалар ва унда келтирилган воқеалар тўғрисида маълумот берилади.

**Калит сўзлар:** Бухоро, манба, қўлёзма асар, амир, сиёсий-ижтимоий ҳаёт, давлат бошқаруви, “Тарихи Туркистон”, “Тарихи амир Найдари” ва “Тарихи Шохруҳий”, “Тарих-и нофеу” асарлари

*Аннотация:* в этой статье даётся информация об источниках по истории Бухарского эмирата и событиях написанных в них.

**Ключевые слова:** Бухара, источник, рукописное произведение, эмир, социально-политическая жизнь, государственное управление, История Туркестана, произведения «История эмира Хайдара» и «История Шахрухия» «Полезная история»

*Annotation:* in this article information was given about the source on history of Bukhara emirate and about events written in them.

**Key words:** Bukhara, source, handwritten opus, emir, social-political life, government, “History of Turkestan”, “History of the emir Haydar”, “History of the Shakhruh” and “Tarix-i nofei”

Бухоро давлатида XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб манғит сулоласининг намояндalari хукмронлик

қилган. Бухоро амирлиги манғитлар даври тарихи турли маҳаллий манбалар ва илмий адабиётда ёритилган. Жумладан, Мирзо Олим махдум хожи ўзининг «Тарихи Туркистон» номли асарида манғитлар сулоласининг намояндalарини тахтга келишларини шундай баён қилади: «Абу-л-Файзхондин кейин салотини чингизия насли мунаққит бўлуб, манғит тоифасидин Абу-л-Музаффар Раҳимхон ибн Ҳақимбий ибн Худоёр ибн Худойкули подшоҳ бўлуб, Шахрисабз, Ҳисори Шодмон, Кўлоб, Хўжанд ва Тошканд тасарруфидин чиқди. Вазири эронлик Давлат қўшбеги бўлуб, мамлакат тамоми ҳалли уқди анинг яди тасарруфида эди<sup>1</sup>.

Шохмурод (Дониёл бийни ўн иккита фарзанди бўлган) 1785 йили Бухорода «амир (ул-мўминин)» унвони билан тахтга кўтарилди. Садри Зиё ва Аҳмад Донишлар амир Шох Муродга нисбатан ўз хайрхоҳликларини асарларида билдирганлар. Улар амир Дониёл давридаги инкироздан чиқишда амир Шох Мурод хизматини юқори баҳолайдилар.

Амир Шохмурод вафотидан кейин амир Ҳайдар, амир Ҳусайин, амир Умар,

<sup>1</sup> Мирзо Олим махдум хожи. Тарихи Туркистон. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ш. Ҳ. Воҳидов. Араб ёзувидан таъдил Ш. Воҳидов ва Р. Холиқова. Масъул муҳаррир З. Чориев. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 167.

амир Насруллох, амир Музаффар, амир Абдулахад, амир Олимхон Бухоро амирлигида ҳукмронлик қилганлар. Охирги амир Олимхон 1920 йилнинг сентябрида тахтдан туширилди ва у 1944 йил 29 апрелда оламдан ўтади. Қабри Қобул шаҳрининг "Шухадойи солиҳин" қабристонидир<sup>2</sup>.

1800 йили Бухоро тахтига Амир Ҳайдар ўтиради. Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даври ҳам ички ва ташқи курашлар билан ўтади. Унга қарши мамлакат ичида кўзғолонлар авж олди. Миёнқол, Марв, Каттакўрғон, Шаҳрисабз, Ҳисор ҳудудларида кўзғолонлар кучайди. 1804 йил Амир Ҳайдар Ўратепага юриш қилади. 1806 йили Хива хони Элгузар қўшинлари Бухорога бостириб келади. Аммо Амир Ҳайдар уларнинг ҳужумини бартараф этиб, ғалабага эришади. Бу воқеалар ҳақида манбаларда «Элгузархон ўзи ва аҳли байтидин Ҳасанмуродбек ва Жонмуродбеклар талаф бўлуб, улуғ бародари Қутлуғмуродбек ила бошқа саркардалар асир бўлди. Оларни бир ҳафта тўхтатиб, қасами муғолаза илан Қутлуғмуродни иноқ ва волийи Хоразм қилиб юборилди. Аммо аҳли Хоразм анга рози бўлмай, МуҳаммадРаҳимхонни хон қилдилар», - деб таъкидланади.

1800-1826 йилларда унинг ўғли амир Ҳайдар ҳукмронлиги даври тарихи, "Тарихи амир Ҳайдар" ва "Тарихий Шоҳруҳий" асарларида амирлик тарихи тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилган: Қўқон ҳукмдорлари 1805 йили Хўжандни, 1809 йили Тошкентни, 1816 йили эса Туркистонни ишғол этиб, хонлик доирасига киритадилар. 1806-1813 йиллари Ўратепага, 1806 йили Жиззахга, 1821 йили Самарқандга таҳдид солганлар. Хуллас, амир Ҳайдар ҳукмронлиги анча таҳликали бўлиб марказий ҳокимият қудрати сусайган эди". Амир Ҳайдар ҳукмронлигининг охирларида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон ва Шаҳрисабз ҳокими ва Хитой қипчоқ тоифалари амир Ҳайдар

муқобилига ёв бўлуб бир неча маротаба муҳорабалар бўлуб, охири уларнинг ҳужумлари бартараф қилинганидан сўнг, кўп ўтмай, 1242 санада ўн учунчи рабби ул-аввалида, чаҳоршанба куни (16 октябрь, 1826) вафот қилди.

Ундан кейин Амир Насруллох Баҳодурхон Бухоро тахтига ўтирди. Садри Зиёнинг таъкидлашича, «Амир Насруллох Бухорога подшоҳ бўлгандин<sup>3</sup> кейин бародар ва ақорибларини тамом маҳв ва нобуд қилди. Забир ва Жаҳонгир тўраларнинг волидалари Жўйборий хўжалардин эди. Уларни Чоржўй тарафига юбориб, иёдом қилди. Ақобири давлатлардин Ҳаким қўшбеги ва Исматуллоҳбек ва Аёзбекга ўхшаш бир неча улуғ мартабадаги одамларни қатл ва амволларини ғорат қилди»<sup>4</sup>.

1826-1860 йилларда амир Насрулло Бухорода ҳукмронлик қилдилар. Насруллохон даврида Бухоронинг ҳарбий қудрати анча ошди. Шаҳрисабз ва Ҳисор бекликлари бўйсундирилди, Қўқон хонлигига тегишли катта ҳудудлар босиб олинди. Тарихчи Аҳмад Дониш амир Насрулло ҳақида шундай ёзади: "У вазмин ва кўркмас, қаттиққўл ва зукко ҳукмдор эди. Эл ва улусда фитна чиқаришда ном чиқарган ё илгариги амирларга нисбатан кўрнамаклик қилганнинг барчасини жазолади, ўз тарафдорларини сийлади". Лекин Амир Музаффар ҳукмронлиги даврида (1880-1885 йиллар) амирликнинг катта қисми, Зарафшон воҳаси руслар томонидан забт этилди ва Бухоро Россияга тобе давлатга айланди. Музаффар отасининг даврида Карманага волий бўлган. Унинг Абдумалик исмли ўғли Қаршига ноиб бўлган, аммо у отасига муҳолифатда

<sup>3</sup> Садри Зиё бу жулус тарихини пайшанба куни, рамазон оғи, 1242/ 29 март, 1827 йили деб беради. Қаранг: Муҳаммад Шарифжон Садри Зиё. Маҷмуа. // Қўлёзма, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, № 2193. 198<sup>a</sup>.

<sup>4</sup> Мирзо Олим маҳдум хожи. Тарихи Туркистон. / Масъул муҳаррир З. Чориев. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. Араб ёзувидан табдил Ш. Воҳидов ва Р. Холиқова. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 97-98.

<sup>2</sup> Хотираҳои Амир Олимхон. (Амир Олимхон хотиралари). - Душанбе: Адиб. 1992. – Б.3.

бўлганлиги учун мамлакатдан бадарға қилинади. Абдулфаттоҳ исмли ўғли Петроград шаҳрида бўлган. Амир Музаффар Қўқон ишларига аралашиб, бир неча маротаба зарар ва ихтилол етган вақтда Худоёрхонга иноат тариқасида аскарлари билан Қўқонга кириб бориб, хутбаларда номини зикр қилдириб, Бухорога қайтди ва Ҳисор шаҳрини забт этиб, волийси Абдул-Каримбийни қатл қилди. Россия билан Эржар (Эгрижар) ва Самарқанд мағлубиятидан сўнг Бухоронинг сарҳадлари Каттакўрғондан белгиланади ва руслар билан сулҳ шартномасини тузади.

Бухоро тарихчиларининг асарлари, жумладан, қози Ҳомид Бақоҳўжа ўғли, Мир Муҳаммад Сиддиқ ибни амир Музаффар «Ҳашмат», Муҳаммад Шариф ибни қози Абдушукур қози калон Садри Зиёларнинг муҳим ва тарихий маълумотларга бой бўлган асарлари, айниқса Бухоронинг охириги қозикалони Садри Зиёнинг (1867-1932) ва Ҳашматнинг илмий-адабий мерослари бизни қизиқтираётган масалаларни ечишга яқиндан ёрдам беради. Садри Зиё томонидан ёзилган асарлардан «Зикри салтанати подшоҳони манғит дар Мовароуннаҳр» (Мовароуннаҳрда ҳукм сурган манғит подшоларининг зикри), «Рўзнома» (Кундалик)<sup>5</sup>, Муҳаммад Али ибни Муҳаммад Сайид Балжувоний қаламига мансуб "Тарихи нофеъи" (Фойдали тарих) номли асари топилганини олимлар таъкидлайдилар<sup>6</sup>.

<sup>5</sup>Садри Зиё меросини Ўзбекистонда ўрганиш яқин йилларда бошланди. Қар.: Vohidov Shodmon, Erkinov Aftondil. Le fihrist (catalogue) de la bibliothèque de Sadr-I Ziya : une image de la vie intellectuelle dans le Mavarannahr ifin XIX - de`but XX sie`cles // Cahie d` Asie Centrale. № 7, 1999, – P.141-173; Вахидов Ш., Чориев З. Садри Зия и его библиотека. Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века. Серия «Книги, библиотеки, каталоги». – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – 352 с.

<sup>6</sup>Воҳидов Ш. "Тарих-и нофеи" Бухоро амирлиги тарихига оид муҳим манба. //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1997. №№ 9-10-11; Яна қар.; Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеи. (Тоҷик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар

"Тарихи нофеъи" Бухоро амирлиги тарихига оид муҳим манба бўлиб<sup>7</sup>, унда манғитлар сулоласи даврида Бухоро мамлакатининг бошқарув тартиби, маъмурий тизими, ички низоми, амал ва мансабларнинг жорий этилиши ва бошқа масалалар кенг ёритилган<sup>8</sup>.

Бухоро мамлакати 28 вилоят (боғот)га бўлинар эди. Бухоро амири қўшбегисининг девони архивида сақланаётган маълумотлар асосида амирликнинг қуйидаги вилоятлари (1914-1916 йиллар маълумотлари асосида)ни аниқлаш мумкин. Булар Бойсун, Балжувон, Бурдалик, Дарвоз, Дехнав, Зиёуддин, Яккабоғ, Кубодиён, Қоратегин, Карки, Кармина, Қарши, Келиф, Китоб, Қўлоб, Қурғонтепа, Нурота, Сари жўй, Усти, Хатирчи, Ҳисор, Хузур, Чоржўй, Чироғчи, Шахрисабз, Шеробод, Шуғнон ҳамда Зарафшон юқори қисмидаги бекликлар<sup>9</sup>.

Бухоро мамлакатининг сиёсий, ижтимоий ва ҳўжалик ҳаётида мураккаб жараёнлар бўлиб ўтди. XIX асрнинг ўрталарига келиб Бухоро амирлигида марказий ҳукумат кучайиб, унинг ҳудудларида амирнинг ҳукумати жорий қилинди. Марказий амир ҳукуматига қарши ва бўйсунмайдиган мулклар ва уларнинг беку ҳукмдорларига қаттиқ зарба берилди. Иккинчидан, кучайиб борган амирлик қўшни давлатлар – Хива ва Қўқон ҳудудларига бостириб кириб, уларнинг ички ишларига фаол даҳолат қила бошлади. Натижада, уч хонлик ўртасидаги низо ва урушлар бу давлатларнинг ҳар бирини заифлаштирди. Учинчидан, бу тарихий даврда Россиянинг босқини бошланди ва

муаллифлари Ш.Воҳидов, З.Чориев) – Т.: Академия, 2001. – 94б.

<sup>7</sup>Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Сайид Балжувони. «Тарих-и нофеи». – Душанбе, 1994. – 120 бет.

<sup>8</sup>Воҳидов Ш. "Тарих-и нофеи" Бухоро амирлиги тарихига оид муҳим манба. //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1997. №№ 9-10-11.

<sup>9</sup>Қар.: Населенные пункты Бухарского эмирата. Конец XIX - нач. XX вв. //Материалы к исторической географии Средней Азии – Т.: Университет. 1999. С. 11.)

босиб олингач талон-торож ишлари амалга оширилди.

Хива хонлиги кутубхонасида мусодара қилинган нодир қўлёмалар тўғрисида А.Л.Куннинг ўзи шундай маълумот беради: «Хива экспедицияси вақтида мен қуйидаги илмий материалларни тўпладим: хон саройини мусодара қилиш вақтида Шарқ қўлёмаларидан иборат 300 китоб тўпланди, шулардан, 129 таси сарлавхалик 140 жилддан иборат тарихий қўлёмалар, 30 жилддан иборат шоирларнинг девонлари ва 50 жилддан иборат 40 та ҳуқуқий ва диний асарлардир. Бундан ташқари 18 таси Қуръон ва 50 та дарслик китоблари ҳам тўпланди». Юқорида айтганларимиз Хива хонлиги моддий ва маданий - маънавий ҳаётига етказилган катта зарар исботидир. Шу ўринда Россия босқини ва унинг Бухоро амирлиги моддий ва маданий ҳаётига таъсири, XX асрнинг бошларида, айниқса, амирликнинг тугатилиши даврида бу ҳолат ниҳоятда кучайганлигини қуйидагилар орқали кўришимиз мумкин: Махсус таъсис этилган “Бухоро хазинасининг рўйхатга олиш комиссияси” томонидан 1920 йил 22 декабрда тузилган амир мол-мулкани сақлаш учун қабул қилинганлиги ҳақидаги маълумотнома 1193 банддан иборат. Унда ўнлаб кумуш чойнақлар, кўзгулар, гулдонлар, қанддонлар, сут идишлари, баркашлар, қадахлар, шамдон ва бошқалар қайд этилган. Тошкентга жўнатилган кумуш идиш-товоқларнинг ўзи икки тоннадан ортиқ бўлган. Шунингдек, булар билан биргаликда 400 кг.дан ортиқ мис ва тўрт яшик чинни идишларни ҳам олиб кетганлар. Амирнинг хазинасини эшелонларга ортишда жуда шошма-шошарлик билан иш юритганлар. Улар қўлига нима тушса, шуни Тошкентга жўнатаверганлар. Рўйхатга ҳақиқий ўта қимматли бойликлар билан бир қаторда “мисдан ясалган, палласиз идора тарозиси”, “чарм кармон”, “металл будильник”, “мисдан ясалган болалар шашкаси” ва бошқалар ҳам кириб қолган. Тошкентга амирнинг

жуда катта миқдордаги устбошлари ҳам олиб кетилган, яъни 746 та дўппи, 1228 та рўмол, 1004 та кўйлак, 1174 та чопон (мўйна, мовут, бахмал, беқасам ва читдан тикилган), 129 та камзул, битта ёқали пальто, саноксиз шалворлар, 6668 та оёқ кийими, 596 та кўрпа, 436 та дастурхон, 13 та шолча ва бошқалар. Шулар қаторида 102129 кг Бухоро ва Россия кумуш тангалари, 6637 кг кумуш ёмбиси, 98 кг кукун ва ёмби тилла, 49 кг яқин тилла буюмлар, 10036 дона Бухоро тилла тангалар, 239835 сўмлик рус олтин тангалари ҳам олиб кетилган. Булардан ташқари 39 та катта ва 500 та ўрта ва кичик ҳажмдаги бриллиантлар, кўплаб олмослар, марварид, маржонлар, яна 12 кг гача бошқа қимматбаҳо тошлар ҳамда бриллиантлар билан безатилган рус ва хориж давлатларининг орденлари ва бошқа кўп миқдордаги қимматли буюмлар ҳам бўлган. Масалан, улар қуйидаги инвентарь рақамлари остида мана бундай кўрсатилади:

1103-рақамда умумий оғирлиги 59 мисколнинг 22 ярим улуши бўлган (1 мискол 96 улуш, 96 улуш 4,266 г)” 59 кўзлик олтин нишона, ундан 4 тасининг бриллианти тушиб қолган, қолганлар олмос ва битта 21 бриллиантли қамар, ундан бриллианти тушиб қолган”;

1151-рақамда оғирлиги 38 мисколнинг 74 улуши бўлган “5 та йирик, 5 та ўрта ва 28 та майда ҳажмдаги бриллиант олтин юлдуз”;

1162-рақамда оғирлиги 8 мисколнинг 72 улуши бўлган “8 та йирик бриллиант, яна майда бриллиант ва олмослар билан безатилган олтин билагузук”;

1168-рақамда оғирлиги 43 мисколнинг 74 улуши бўлган “бриллиант ва марваридли аёллар камари”;

1169-рақамда оғирлиги 40 мисколнинг 27 улуши бўлган “11 та ўрта, қолганлари майда ҳажмдаги бриллиантли қоқошник” ва ҳ.к.

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, Россия империясининг олиб борган талон-тарожлик сиёсати натижасида мисли кўрилмаган хунрезликлар асосида катта йўқотишларга олиб

келди. Шу сабабли маҳаллий аҳоли томонидан яратилган ниҳоятда нодир моддий ҳунармандчилик ашёларининг кўпчилиги чекка ўлкаларга чиқишига сабаб бўлган.

Россия империяси томонидан Бухоро ва Хива хонлиги забт этилгач, талон-тарож ниҳоят даражада ортди. Бухоро ва Хива хонлигидан маданий ёдгорликлар, етук санъат намуналари талон-тарож қилинибгина қолмай, балки халқнинг асрлар оша асраб, сақлаб келаётган хоннинг катта кутубхонасидаги халқ мулки ҳисобланган нодир тарихий, бадий, ахлоқий, илмий асарлари Россияга олиб кетилди.

#### Адабиётлар:

1. Мирзо Олим маҳдум хожи. Тарихи Туркистон. – Т.: Янги аср авлоди, 2008.
2. Хотираҳои Амир Олимхон. (Амир Олимхон хотиралари). – Душанбе: Адиб. 1992. – Б.3.
3. Муҳаммад Шарифжон Садри Зиё. Мажмуа. // Қўлёзма, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, № 2193. 198<sup>a</sup>.

4. Vohidov Sh., Erkinov A. Le fihrist (catalogue) de la bibliothé`que de Sadr-I Ziya: une image de la vie intellectuelle dans le Mavarannahr ifin XIX – de`but XX sie`cles) // Cahie d` Asie Centrale. № 7, 1999, – P.141-173; Ваҳидов Ш., Чориев З. Садри Зия и его библиотека. Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века. Серия «Книги, библиотеки, каталоги». Т.: Янги аср авлоди, 2007. – 352 с.

6. Воҳидов Ш. "Тарих-и нофеи" Бухоро амирлиги тарихига оид муҳим манба. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1997. №№ 9-10-11; Яна қар.; Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеи. (Тоҷик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, З.Чориев) – Т.: Академия, 2001. – 94б.

7. Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Сайид Балжувони. «Тарих-и нофеи». – Душанбе, 1994. – 120 бет.

8. Воҳидов Ш. "Тарих-и нофеи" Бухоро амирлиги тарихига оид муҳим манба. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1997. №№ 9-10-11.

## NODAVLAT NOTIJORAT TASHKILOTLARI VATAN RAVNAQI, XALQ FARAVONLIGI YO'LIDA

**Tarix fanlari nomzodi Nurullayeva Sh. – Urganch davlat universiteti dotsenti,  
Ro'zmetov D. – Urganch davlat universiteti magistranti**

**Annotatsiya:** *ushbu maqolada nodavlat notijorat tashkilotlarning O'zbekiston taraqqiyotidagi roli haqida ayrim masalalar yoritilgan.*

**Kalit so'zlar:** *nodavlat notijorat tashkilotlar, fuqarolik institutlari, davlat granti, "Sog'lom bola yili" davlat dasturi, ijtimoiy sheriklik, jamoat birlashmalari, demokratik islohotlar*

**Аннотация:** *в статье освещаются некоторые вопросы о роли негосударственных некоммерческих организаций в развитие Узбекистана.*

**Ключевые слова:** *негосударственные некоммерческие организации, гражданские институты, государст-*

*венные гранты, Государственная программа, "Год здорового ребенка", социальное партнерство, коллективные объединения, демократические реформы*

**Annotation:** *the article covers some questions of the role of nongovernmental, noncommercial organizations in the prosperity of Uzbekistan.*

**Key words:** *nongovernmental, noncommercial organizations, civil institution, government grant, national program "Year of healthy child", social partnership, collective associations, democratic reforms*

Mamlakatimizda ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarni yanada chuqurlashtirish, jamiyatni demokratlashtirish va modernizatsiya qilish jarayonida fuqarolik jamiyati institutlari, xususan, nodavlat notijorat tashkilotlari faol ishtirok etmoqda. Davlatimiz rahbarining O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 21-yilligi munosabati bilan o'tkazilgan tantanali marosimdagi nutqida ta'kidlaganidek: *“Bugungi kunda nodavlat notijorat tashkilotlari demokratik qadriyatlar, inson huuq va erkinliklari, qonuniy manfaatlarini himoya qilishning muhim omiliga aylanmoqda, ularning ijtimoiy, sotsial-iqtisodiy va huquqiy madaniyatini oshirish uchun sharoit yaratmoqda, jamiyatda manfaatlar muvozanatini ta'minlashga ko'maklashmoqda.”*<sup>10</sup>

Istiqlol yillarida mamlakatimizda fuqarolik jamiyati institutlari, uning tizimida nodavlat notijorat tashkilotlarining izchil rivojlanishiga va chinakam mustaqilligini ta'minlashga, huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qilishga, faoliyatini tashkiliy-huquqiy, moddiy-texnik jihatdan qo'llab-quvvatlashga qaratilgan eng yuksak demokratik hamda xalqaro talablarga javob beradigan mustahkam huquqiy baza yaratildi.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 15-, 30-, 34-moddalarida nodavlat notijorat tashkilotlari faoliyatiga oid qoidalar belgilangan bo'lsa, XIII-bob to'laligicha jamoat birlashmalariga bag'ishlangan.<sup>11</sup>

Mamlakatimizda soha huquqiy asosini yaratish bo'yicha “O'zbekiston Respublikasida jamoat birlashmalari to'g'risida”gi, “Kasaba uyushmalari, ularning huquqlari va faoliyatining kafolatlari to'g'risida”gi, “Nodavlat notijorat tashkilotlari to'g'risida”gi,

“Siyosiy partiyalarni moliyalashtirish to'g'risida”gi, “Siyosiy partiyalar to'g'risida”gi, “Jamoat fondlari to'g'risida”gi, “Nodavlat notijorat tashkilotlari faoliyatining kafolatlari to'g'risida”gi, “Ijtimoiy sherikchilik to'g'risida”gi, “Ekologik nazorat to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Qonunlari qabul qilindi.

2008-2013-yillarda nodavlat notijorat tashkilotlar va boshqa fuqarolik institutlariga ularning ijtimoiy ahamiyatga ega loyihalarini amalga oshirish uchun davlat budjetidan ushbu fond orqali 27 milliard so'mdan ortiq mablag' ajratildi.<sup>12</sup> Bu mablag'larni grant tanlovlarini o'tkazish, subsudiyalar ajratish va ijtimoiy buyurtmalarni joylashtirish orqali ta'minlash mexanizmi yaratildi.

Bugun mamlakatimizda ko'plab ijobiy o'zgarishlarni harakatga keltiruvchi kuch hisoblangan fuqarolik institutlari tashabbuslarini bu tarzda qo'llab-quvvatlash asosida sog'liqni saqlash, ta'lim, atrof-muhitni muhofaza qilish, tadbirkorlik va kasanachilikni rivojlantirish, jamiyatda huquqiy madaniyatini yuksaltirish, barkamol avlodni tarbiyalash sohasida yuzlab loyihalar hayotga tatbiq etilmoqda. Jamiyatimizda bunday fuqarolik tashkilotlari obro'sining oshib, mustahkamlanib borishi, davlat va hokimiyat tuzilmalari faoliyati ustidan ta'sirchan jamoatchilik nazoratini amalga oshirishga va ular saviyasining toboro ortib borishiga xizmat qiladi. Bugungi kunda jamoatchilik va fuqarolik nazorati instituti jamiyatning davlat bilan o'zaro samarali aloqasini ta'minlash, odamlarning kayfiyatini, mamlakatda kechayotgan o'zgarishlarga munosabatini aniqlashning muhim vositalaridan biriga aylanmoqda.

Mamlakatimizda “kuchli davlatdan – kuchli fuqarolik jamiyati sari” tamoyilini izchillik bilan bosqichma-bosqich ro'yobga chiqarish, shuningdek, NNT tizimini keng rivojlantirish maqsadida Prezidentimizning 2013-yil 12-dekabrda “Fuqarolik jamiyati institutlarini rivojlantirishga ko'maklashish

<sup>10</sup>Karimov I.A. Amalga oshirayotgan islohotlarimizni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyati qurish-yorug' kelajagimizning asosiy omilidir. // Xalq so'zi gaz. 2013-y. 7-dek.

<sup>11</sup> O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – T.: "O'zbekiston", 2014. – 6, 9, 12, 13 b.

<sup>3</sup>Inson va qonun. 2014-y,16-sen.

<sup>12</sup> Inson va qonun. 2014-y, 16-sen.

borasidagi chora-tadbirlar to'g'risida"gi Qarori qabul qilindi.<sup>13</sup> Qarorda NNT tizimini keng rivojlantirish, ularni tashkil etish hamda faoliyatini yo'lga qo'yish bilan bog'liq tashkiliy-huquqiy mexanizmlar hamda tartib-taomillarni takomillashtirish va soddalashtirishga qaratilgan bir qator muhim normalar belgilandi. Jumladan, NNT ni davlat ro'yhatidan o'tkazish uchun undiriladigan yig'implar miqdori 2,5 barobarga kamaytirildi. Shuningdek, mazkur qarorda O'zbekiston Respublikasida ro'yhatga olingan NNT ning alohida bo'linmalari (vakolatxonalar va filiallari)ni, shu jumladan, yuridik shaxs huquqiga ega bo'lganlarini davlat ro'yhatidan o'tkazish va hisobga olish uchun davlat boji undirilmasligi, nogironlar, fahriylar, xotin-qizlar va bolalar jamoat birlashmalarini davlat ro'yxatidan o'tkazish uchun o'rnatilgan davlat boji miqdorining 50 foizi miqdorida undirilishi belgilandi. 2013-yilda O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi huzuridagi Nodavlat notijorat tashkilotlarini va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlarini qo'llab-quvvatlash jamoat fondi orqali moliyalashtirilayotgan davlat grantlari loyihalari hamda ijtimoiy budjetlar orqali fuqarolik institutlari 30 dan ortiq umummilliy, davlat va hududiy dasturlarni amalga oshirishda bevosita ishtirok etdilar. Ularning faolligini yanada oshirish maqsadida Parlament komissiyasi qarorlariga, asosan, 2013-yilda faqatgina davlat grantlari ko'magida mahalliy NNT ning 250 dan ortiq tashabbuslari ijtimoiy loyihalar ko'rinishida qo'llab-quvvatlandi. Ushbu loyihalar davlat organlari bilan sheriklikda barkamol avlodni tarbiyalash, jamiyatda sog'lom turmush tarzini yanada mustahkamlash va aholining ekologik, tibbiy madaniyatini yuksaltirish, ko'chalar, mahallalar, shaharlar obodonchiligini yaxshilash, millatlararo tinchlik va totuvlikni, bag'rikenglikni yanada mustahkamlash, aholi bandligiga

ko'maklashish va farovonligini oshirish kabi qator yo'nalishlarda amalga oshirildi.<sup>14</sup> Eng asosiysi, mazkur jarayonlar tufayli joylarda ijtimoiy sheriklik mustahkamlanmoqda. Bu davlat organlari bilan shartnomalar va memorandumlar tuzish, hamkorlikda ish rejalarini ishlab chiqish, tasdiqlash va amalga oshirish, turli tadbirlarni tashkil etish va o'tkazish, ijtimoiy-iqtisodiy va gumanitar rivojlanishning muhim hududiy vazifalarini konstruktiv muhokama qilib, hamkorlikda hal etish orqali ro'yobga chiqarilayotir.

Davlat granti loyihalarini hayotga tad'biq etish jarayonida faqatgina 2013-yilda davlat organlari bilan hamkorlikda 2 mingdan ortiq turli tadbirlar tashkil etildi, 500 ming nusxadan ortiq tarqatma materiallar tayyorlandi. O'z navbatida, bu borada qilinayotgan ishlar bosma va elektron ommaviy axborot vositalarida keng yoritildi. 1240 dan ortiq turli inventarlar bilan o'zlarining moddiy texnik bazasini yanada mustahkamladi va 1000 dan ortiq ish o'rinlari tashkil etildi.<sup>15</sup> "Sog'lom bola yili" Davlat dasturidagi 125 ta tadbirning 65 tasiga nodavlat notijorat tashkilotlari jalb qilindi. Ular aholining tibbiy madaniyatini yuksaltirish va reproduktiv salomatligini mustahkamlash, profilaktika ishlari samaradorligini oshirishda muhim rol o'ynadi. Ularda qamrab olingan o'n minglab aholi vakillarining asosiy qismini yoshlar tashkil qiladi. 2009-2012 yillarda o'tkazilgan tanlovlarda Xorazm viloyatidan 156 ta nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlari o'zlarining 150 ga yaqin loyihalari bilan ishtirok etdilar. Shunisi e'tiborliki, qayd etilgan davr mobaynida Xorazm viloyatidan 46 ta loyiha g'olib deb topildi va ushbu loyihalar 534,6 million so'm miqdorida moliyalashtirildi.<sup>16</sup> Mazkur loyihalarni amalga oshirish natijasida aholining turli ijtimoiy qatlamlari – ayollar, yoshlar, jismoniy imkoniyati cheklanganlarni doimiy ish o'rinlari bilan ta'minlash,

<sup>13</sup> Karimov I. A. "Fuqarolik jamiyati institutlarini rivojlantirishga ko'maklashish borasidagi chora-tadbirlar to'g'risida"gi qaror. Xalq so'zi gaz. 2013-y. 11-dek.

<sup>14</sup> Xalq so'zi gaz. 2013-y. 31-dek.

<sup>15</sup> Xalq so'zi gaz. 2013-y. 31-dek.

<sup>16</sup> Jamiyat gaz. 2013-y. 4-yan.

hududlarimizda milliy hunarmandchilikning turli shakllarini rivqjlantirish, yoshlarga yangi ish o'rnini ochish, kasbga tayyorlash, jamiyatda huquqiy va inson huquqlari madaniyatini yanada yuksaltirish kabi yo'nalishlarda ijobiy ishlar olib borildi. Shuningdek, grant loyihalariga ajratilgan mablag'lar hisobidan Xorazm viloyatidan grant sohiblari bo'lgan nodavlat notijorat tashkilotlar tomonidan 37 ta zamonaviy kompyuter va boshqa texnik vositalar, 26 ta tikuv mashinasi va mebel jamlanmalari sotib olinib, 3500 dan ortiq fuqarolar zamonaviy intellektual kasblarga qayta tayyorlandi.<sup>17</sup> Shuningdek, to'laqonli faoliyat yurita olmayotgan ekologiya sohasidagi «Viloyat tabiatni muhofaza qilish», «Eko voha», «Eko Amudaryo» viloyat ekologiya va aholi salomatligiga ko'maklashuvchi «Bunyodkor» jamiyatlari, «Ekosan» ekologiya va salomatlik xalqaro hayriya jamoat fondining Xorazm viloyat filiali,

sog'liqni saqlash sohasidagi viloyat «Yurak», «Urologiya» jamg'armalari, «Nur va hayot» markazi hamda O'zbekiston Rakga qarshi kurash jamiyati, «Endokrinologlar» assotsiatsiyasi, «qon insonlar hizmatida» jamoat fondining viloyat bo'limlari bilan davlat organlari o'rtasidagi hamkorlikni kuchaytirish, ularni moliyaviy qo'llab-quvvatlash orqali iqtisodiy ahvolni ko'tarish lozim.<sup>18</sup>

Muhtasar qilib aytganda bugungi kunda joylarda nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlarining ijtimoiy faolligini yanada kuchaytirish, hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishda ularni sherik qilib olish, va fuqarolik jamiyati institutlarini qo'llab-quvvatlashning jahon tajribasida kamyob bo'lgan milliy modelimiz imkoniyatlaridan yanada kengroq foydalanish maqsadga muvofiqdir.

---

<sup>17</sup> Jamiyat gaz. 2013-y. 4-yan.

---

<sup>18</sup> Ermatov M. Nodavlat notijorat tashkilotlari: faoliyati takomillashmoqda. Xorazm haqiqati gaz. 2012-y. 13-dek.



ПЕДАГОГИКА**ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**Доцент Юнусова Г.Н. – Наманган давлат университети, Амалий математика ва ахборот технологиялари кафедраси ўқитувчиси**

**Аннотация:** мақолада фанларни ўқитишда таълим тизимига кириб келаётган LMS дастурлари, масофавий ўқитишнинг “портфолио” модулли кўринишлари каби замонавий информация технологияларидан фойдаланиш самараси хусусида сўз юритилган.

**Калим сўзлар:** таълим, тизим, информатика, ISpring, MOODLE, LMS дастурлари

**Аннотация:** в статье речь идет об эффективности использования современной информационной технологии LMS программы и модуля дистанционного обучения “портфолио” при преподавании дисциплин.

**Ключевые слова:** образование, система, информатика, программы ISpring, MOODLE, LMS

**Annotation:** the article is about the efficiency of modern information technologies as LMS programs, portfolio module of distance learning in teaching subjects

**Key words:** education, system, information, ISpring, MOODLE, LMS

Ҳозирги кунда информация технологияларсиз ҳеч бир соҳани тасаввур қилиб бўлмади, улар ўз таъсирини таълим жараёнига доимо кўрсатиб келишган. Нима бўлишидан қатъий назар, у офис пакетими, дастурий воситами, албатта, ўқув жараёнига ўз таъсирини кўрсатмай қўймаган. Лекин таълим жараёнига бевосита фойдаланиш учун тайёрланган дастурлар таълимни янада интерактивлигини ва ўзлаштириш самарасини янада юқорироқ амалга оширишга таъсир қилади [1, 2].

Ҳозирги вақтда информатика ўқитувчиси учун янги ахборотлар ва билимларнинг кириб келиши, унинг тинмай ўз устида ишлашига, замонавий ахборот технологиялардан хабардор бўлишига, ўргатувчи менежмент системаларни, масофавий ўқитиш мажмуаларини қўллашни, уларни янада самарадорлироқ амалга оширишни ва жорий этиш ҳақида изланишлар олиб боришига тўғри келади. Интернетга кирсак, информатика фанини, таълим жараёнини янада ранг-баранг қилиш учун етарли материаллар, видео-дарслар, презентациялар мавжуд. Бугунги кунда миллий таълим сайтими бўлган [ziyonet](http://ziyonet.uz) тармоғини шундай ўзбек тилидаги материаллар билан тўлдириш учун, видео-дарслар яратиш, замонавий технологиялар асосида яратилган такдимотларни бериш, уларни видео-лавҳалар билан бойитиш, презентация таркибида турли овозли ва анимацион лавҳаларни ўйнатиш учун замонавий ISpring дастурларидан фойдаланишимиз зарур. Видео-дарсларни Comtasiya Studio дастури воситасида тайёрлаш афзал. Видео-дарсларни “информатика” фанининг бирор бўлим, тўлиқ блоки ёки бобига доир қилиб яратиш лозим, бу электрон ўқитишни узлуксиз жараёнини амалга оширади, анъанавий ўқитишни тўлдиришнинг яна бир йўли бўлиб хизмат қилади. Хорижий Articulate дастуринининг русча версияси ISpring дастури ва унинг дастурий пакетлари фанлар учун презентацияларнинг таркибига видео ва овозли лавҳаларни қўшишни, маърузачининг ўзи тушган видео-лавҳаларини қўшиш имкониятини беради. Таълим тизимига кириб келаётган LMS (Learning Management System) дастурлари, масофавий

